

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

«УМУМИЙ ТАРИХ» КАФЕДРАСИ

ҚОДИРОВ САНЖАРНИНГ

В – 5220200-тарих йўналиши бўйича бакалавр даражасини олиш учун
**«Иккинчи жаҳон урушидан кейин Африкадаги муаммолар (1945-2000
йиллар)»** мавзусидаги

БИТИРУВ-МАЛАКАВИЙ ИШИ

Илмий раҳбар: тарих фанлари номзоди,
доцент Аюпов О.А.

Гулистон-2006

РЕЖА:

1. КИРИШ
2. Африка мамлакатларига характеристика
3. Африканинг сиёсий тарихидан
4. Африка: ижтимоий-иқтисодий муаммолар
5. Африка сиёсий харитасида янги мамлакатлар
6. Ўзбекистон ва Африка
7. ХУЛОСА
8. Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати
9. Иловалар

КИРИШ.

Мустақиллик шариотида нафақат миллий тарихни, балки жаҳон тарихини ўрганиш ҳам биз учун муҳим вазифа бўлиб, ўзига хос методологик аҳамиятга эгадир. Бу авваламбор дунё халқлари ҳақидаги кечаги тасаввурларимизни ижобий томонга ўзгаришига хизмат қилса, иккинчидан, мазкур халқларнинг мустақилликни мустаҳкамлаш, янги жамият барпо этиш йўлидаги саъй-ҳаракатларининг ижобий ва салбий томонларини ўрганиш ҳамда шу асосда муҳим хулосалар чиқариш имконини беради.

Ҳозирги кўп кутбли дунё шароитида ҳеч бир давлат якка ҳолда ўз хавфсизлигини ва тараққиётини таъминлай олмайди. Бирор минтақадаги мавжуд муаммоларни ҳал қилмасдан туриб, умумбашарий тараққиёт ва умумбашарий хавфсизлик ҳақида сўз юритиш мумкин эмас. Шунинг учун ҳам жаҳон ҳамжамияти кескин долзарб муаммолар, тангликлар, зиддиятлар гирдобида қолган минтақаларни оёққа турғозишга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Мана шундай минтақалардан бири Африка қитъаси ҳисобланади. Ҳаммамизга маълумки, бугунги кунда Африкада инсоният тараққиёти, унинг хавфсизлигига таҳдид солувчи муаммолар, иллатлар, зиддиятлар кенг тарқалмоқда. Мазкур муаммоларга сиёсий, ҳудудий, диний зиддиятлар, иқтисодий-ижтимоий нотенглик, атроф-муҳитнинг ифлосланиши ва экологик инқироз, юқумли касалликлар, саводсизлик, наркобизнес, қурол-яроғ контрабандаси, турмуш даражасининг пастлиги ва бошқаларни киритишимиз мумкин.

Албатта, Африкада бу тангликларнинг шаклланиши ўзига хос, узок тарихга эга. Авваламбор бу анъанавий турғунлик ҳолати билан ифодаланса, иккинчи томондан, йирик давлатларнинг Африкани босиб олиши ва улар юритган мустамлакачилик сиёсатининг асоратлари сифатида намоён бўлади.

Мана шу ҳолатнинг ўзиёқ Африкадаги тангликларни ҳал қилиш учун бўладиган миллий ва халқаро ҳаракатларнинг охиригача ўз самарасини беришига ҳалал беради. Бу аввало Африкадаги миллий бирдамликнинг заифлиги билан изоҳланса, ўз навбатида глобаллашув жараёнида Африкани махфий равишда экспансия қилиш жараёнининг янада кучайиши билан изоҳланади¹.

Шунга қарамасдан, қитъада хавфсизлик ва барқарор тараққиётни таъминлаш илғор кучлар, ташкилотларнинг бош мақсади бўлиб, бу борадаги ҳаракатлар кучли тўсиқлар, айрим қийинчиликларга қарамасдан давом этмоқда.

Ички ва ташқи сиёсати демократик тамойилларга асосланган мустақил республикамиз умумбашарий хавфсизлик ва тараққиётга хавф солаётган муаммоларни соғлом мантиқ ва умуминсоний қадриятларга асосланиб, ҳамкорликда ҳал қилишга даъват этар экан, ўз навбатида, бу борада кўплаб илмий изланишларга ҳам катта эътибор бермоқда.

Менинг «Иккинчи жаҳон урушидан кейин Африкадаги муаммолар (1945-2000 йиллар)» мавзусидаги битирув-малакавий ишим ҳам шундай изланишлардан биридир.

Мавзунинг долзарблиги: XX аср охири ва XXI асрда Африка умумбашарий муаммолар: урушлар, экологик инқироз, юқумли касалликлар, коррупция, уюшган жиноятчилик ва саводсизлик каби иллатлар кенг илдиз отган ҳудуд сифатида яққол намоён бўлди. Африкадаги тангликларни ечимини топмасдан туриб умумбашарий хавфсизлик ҳақида гапириб бўлмайди.

Ишнинг мақсад ва вазифалари: иккинчи жаҳон урушидан кейин Африка давлатларининг миллий мустақилликка эришиши ва мавжуд

¹ Аваков Р. Колонизация и деколонизация: эволюция развивающегося мира. // Мировая экономика и международные отношения. 2000. № 9. С.8

муаммоларни ҳал қилиш йўлидаги саъй-ҳаракатларининг ижобий томонларидан тегишли хулоса қабул қилиш.

Ишдаги илмий янгилик ва эришилган натижалар: Африка мамлакатлари тараққиёт моделлари ва кейинги даврда ташкил топган янги мустақил давлатлар, шунингдек, мустақил Ўзбекистон ва Африка давлатлари ўртасидаги алоқалар янги маълумотлар асосида ёритилган ва таҳлил қилинган.

БМИнинг тузилиши. БМИ Кириш, олтита параграф, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати ва иловалар қисмидан иборат.

Кириш қисмида БМИнинг умумий тузилиши, мазмуни ҳақида маълумот берилган. Мавжуд олтита параграфларда Африка мамлакатларига характеристика, уларнинг сиёсий тарихи, миллий-озодлик ҳаракатлари, Африкада мустақил давлатларнинг ташкил топиши, уларнинг иқтисодий ва ижтимоий муаммоларини ҳал қилиш учун интеграциялашуви, шунингдек, ҳудудий низолар туфайли ташкил топган янги давлатлар ва уларнинг тараққиёт йўналишлари ҳақида маълумотлар берилган. Булардан ташқари, олтинчи параграфда Ўзбекистон ва айрим Африка давлатлари ўртасидаги дипломатик алоқалар ҳам атрофлича таҳлил қилинган.

Юқоридаги параграфлардаги чиққан умумий фикрлар, таклифлар хулоса қисмида ўз ифодасини топди. БМИнинг ёзилишида фойдаланилган асарлар, матбуот материаллари, Интернет маълумотлари фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхатида тартиб билан кўрсатилган. БМИни ёзишда асосан «История Тропической и Южной Африки» асаридан, шунингдек, Африка давлатларига оид маълумотлар келтирилган тегишли рисоалар, Ўзбекитсонда ва хорижда чиққан газета ва журналлардан унумли фойдаланилди.

2. Африка мамлакатларига характеристика.

Африка инсоният цивилизациясининг илк бешикларидан ҳисобланади. қитъанинг қулай иқлими, серунум тупроғи ва серсув дарёлари бу ерда илк цивилизациялар ташкил топишига замин яратди.

Африка қитъаси Ер юзидаги қуруқликнинг 1/5 қисмини ташкил этади. Унинг умумий майдони 29,6 миллион км.кв.ни, ороллари билан 30,3 миллион км.кв.ни ташкил этади. Аҳолиси 720 миллион киши. Ҳозирги кунда Африкада 53 та давлат мавжуд. Бундан ташқари Испания, Франция ва Буюк Британиянинг мулклари бор¹.

Иқлимнинг ҳаддан ташқари иссиқлиги, сув ресурсларининг камлиги қитъада одамлар яшашини қийинлаштирибгина қолмасдан, ўз навбатида тарихий тараққиётга маълум маънода тўсқинлик қилди. Бу турли хил зарарли ҳашаротлар, эпидемияларнинг кенг тарқалиши ҳам анъанвий ҳодисага айланишига олиб келди. Табиийки, бундай шароит одамларнинг яшаши учун зарур имкониятларни чеклаши билан бир қаторда уларнинг турмуш даражасини янада оғирлаштириб, қитъа халқларини турғун ҳолатга солиб қўйди.

Африка майдонининг 80% ини чўлли зона ташкил этади. Уларнинг энг йириклари Саҳрои Кабир ва Ливия чўллариدير. Шунинг ҳам алоҳида таъкидлаш зарурки, Африка халқлари тараққиёти ҳозирги кунда уруғ-қабилавийлик мунисабатларидан то индустрализация босқичида яшаётган халқлар турмуш даражаси ўртасидаги тафовутлар билан характерланади.

Африканинг Осиё ва Европага яқин шимолий қисми мамлакатлари: Миср, Марокаш, Жазоир, Тунис, Ливия ва уларнинг яқинидаги Нигерия ва қитъанинг жанубидаги Жанубий Африка Республикаси, Намибия каби давлатлар тараққиёт имкониятлари қолганларига нисбатан юқориدير. Улар

¹ Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. –Т.: «Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси». 2000. 1-жилд.- 511-б.

мазкур имкониятлардан бирмунча фойдалана олган ривожланаётган мамлакатлар сирасига кирса, Тропик ва Марказий Африкадаги аҳвол бунинг акси бўлиб, бу ерларда урушлар, экологик инқирозлар, эпидемиялар авж олган. мазкур давлатлар қолоқ мамлакатлар сафида туради. Халқаро ташкилотлар ва донор давлатларнинг энг катта моддий ва молиявий ёрдами ҳам Африкага қаратилган.

қитъадаги аксарият мамлакатларда жазирама иссиқ, сув ресурсларининг танқислиги ва бу омиллар белгилаб берган турғунлик ҳолати илк ўрта асрлардан бошланган ва узоқ давом этаётган Африка мамлакатлари тараққиётига ўз салбий таъсирини кўрсатиб келмоқда. Бу турғунлик, асрлар давомида авж олиб келаётган уруғ-қабилачилик муносабатлари ва зиддиятлари Африкани вақт ўтиши билан ташқи дунё хужумлари олдида ожизлантириб қўйди. Шимолий Африка VII асрдаёқ араб истилочиларининг босқинига дучор бўлди. Араблар бу ерларни Пиренейдаги курдоба хонлиги орқали бошқардилар¹.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, Африкага араблар орқали исломнинг кириб келиши ягона тил ва алифбо, маданият ва миллий бирликнинг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатди. Бу ерда Марокаш, Жазоир, Тунис каби мусулмон давлатлар ташкил топди. Бу мамлакатларнинг ижтимоий-сиёсий тараққиётида исломнинг ўрни ниҳоятда кучли бўлиб, мазкур давлатлар аҳолисининг 90% ини араблар ташкил эади. Мусулмон мамлакатлар аҳолиси умуман Африка қитъаси аҳолисининг 25%ини ташкил қилади.

Калахари сахросининг энг чекка жанубий ҳудудида XVII асрданок Голландиянинг Ост-Индия компанияси ўзининг Кап колониясига асос солди. Колониянинг асосий аҳолиси – буррлар –голандлар, қисман немислар ва французларнинг маҳаллий шевалар билан ўз тилларини уйғунлаштирган халқлар ташкил этган. Мустамлакачилар маҳаллий қабилалар: бушменлар,

¹ Семёнов В.Ф. История средних веков. –М.: «Просвещение», 1975. – с.125

готтенотлар, бантунларнинг ерларини тортиб олиб, уларни ҳалокатга маҳкум этдилар. XIX аср охирларида Англия ҳукмрон доиралари бу ерда олмос ва бошқа табиий бойликларнинг катта захираси борлигини аниқлагач, 1899-1902 йилларда буррларга қарши уруш олиб борди ва уларни мағлуб этди. 1910 йилда буррлар ерлари Англия таркибидаги Жанубий Африка Иттифоқига бирлаштирилди¹.

Доминионлар Англия империясининг энг бой қисми бўлиб, йилига улар метрополияга 700 тонна олтин етиштириб берарди. Ҳозирги кунда ЖАР йилига 7,3 миллион тонна олмос ишлаб чиқаради ва бу соҳада дунёда етакчилиқни эгаллайди. Бу ернинг асосий аҳолисини оқ танлилар ташкил қилганлиги учун узоқ вақт туб аҳолига нисбатан ирқчилик сиёсати изчиллик билан амалга ошириб келинди. Шимолий ва Жанубий Африка оралиғида жойлашган Тропик Африкада аҳвол уларга нисбатан анча аянчли эди. XVII-XIX асрларда Тропик Африка Европа мамлакатларининг мустамлака сиёсатига дучор бўлди.

Франция Дагомея (Бенин), Камерун, Сенегал, Мали, Руанда, Сомали, Того, Марказий Африка, Гвинея, Чад, Нигерни босиб олди. Тропик Африкадаги энг катта мустамлака ҳудудлари Францияга тегишли бўлиб қолди. Англия Жанубий Африка Иттифоқи, Гана, Ньясаленд, Жанубий ва Шимолий Родезия, Уганда, Судан; Португалия Ангола ва Мозамбикни; Германия Камерун, Кения, Танъганика, Намибия; Италия Ливия ва Сомали; Бельгия Конгони босиб олди.

Бундан ташқари, Шимолий Африкадаги Жазоир, Марокаш, Мавритания, /арбий Саҳрои Кабир Франциянинг мулкига айланиб қолди. Шундай қилиб, Африка мустамлакачи давлатларнинг хом ашё базасига айланди.

Африка инсоният тарихидаги энг ғайриинсоний жараён - кул савдосининг марказига айланди. Жумладан, XVI асрдан бошлаб Америка

¹ Галкин И.С., Ерофеев Н.А. Новая история 1871-1917. М.: «Просвещение». 1984. –с. 352

қитъасига 16 миллион киши; XVII асрда тахминан 2 миллион, XVIII асрда 6 миллионга яқин ва XIX асрда тахминан 2 миллион маҳаллий аҳоли олиб кетилган¹.

Жуда кўплаб ишчи кучининг қитъадан олиб кетилиши бу ердаги танг аҳволни янада оғирлаштирди. Метрополиялар Африка мамлакатларига енгил ва оғир саноат, илм ва фан, транспорт ривожланишига ҳомийлик қилган бўлсаларда, бу ҳол кўпроқ ўз манфаатларига мосланган эди. Бу ўзгаришлар маҳаллий аҳоли турмуш даражасини яхшилашга хизмат қилмади.

Европа мамлакатларининг Африкадаги миллий озодлик ҳаракатларини заифлаштириш учун диний, сиёсий ва ҳудудий низоларни авж олдириши, ноўрин чегара сиёсати, фуқаролар урушларини кучайтириши ва ички ишларига аралашуви кескин сиёсий оқибатларга олиб келиб, бугунги кунда ҳам ўз асоратларини сақлаб қолмоқда. Шунинг учун ҳам Африка халқларининг ҳозирги бош муаммоси - бу эски мустамлакачилик сиёсатининг салбий оқибатларини бартараф этиш, қитъани оёққа турғазини муаммоси бўлиб, Африка давлатларининг ички ва ташқи сиёсати айнан шу муаммоларнинг ечимини топишга қаратилган.

¹ Гидденс Энтони. Социология. Т.: «Шар», 2002. –286-б

Африканинг сиёсий тарихидан.

Африка давлатларининг сиёсий тарихи, яъни давлат бошқаруви, тараққиёт моделлари, ички ва ташқи сиёсати, аввало, мазкур мамлакатлардаги этнодемографик вазиятга, тарихий анъаналар ва менталитетга, шунингдек, мустамлакачи давлатларнинг сиёсий, маъмурий, ҳудудий чегаралаш борасидаги ислохотларига боғлиқ ҳолда ижобий ва салбий кўринишларда ривожланди¹.

Шунинг учун ҳам Африка давлатларининг барқарор сиёсий моделга тушиб қолиши жуда қийин кечди. Бу ҳол авваламбор жамиятдаги маълум бир ижтимоий гуруҳларнинг ўз манфаатларидан келиб чиқиб, турли бошқарув шаклларини ўрнатиш учун бир-бирлари билан фаол курашга, ҳатто фуқаролар урушларига тортилганлари билан изоҳланган бўлса, иккинчидан, бунга дунёдаги йирик давлатларнинг маълум бир мақсадларни кўзлаб мамлакатнинг ички ишларига аралашуви билан изоҳланади. қолаверса, собиқ мустамлакачи давлатларнинг Африка халқлари мустақиллик учун олиб борилган курашларини заифлаштириш учун улар ўртасидаги сиёсий, ҳудудий низоларни авж олдириш, ёки, мустамлакаларни бирлаштириб бошқариш сиёсати ва уларнинг салбий оқибатлари узок вақт сиёсий беқарорликка сабаб бўлди. Бу ҳозирги кун сиёсатида ҳам сезилмоқда.

Мустамлакачи давлатларнинг ноўрин сиёсати, бошқа бошқа ҳудудлардаги йирик миллий озодлик ҳаракатлари Африканинг уйғонишига сабаб бўлди. Янги зиёлилар, янги сиёсий доиралар ва сармоядорлар Африка жамиятининг энг илғор қисми сифатида мустақиллик учун курашга раҳбарлик қилдилар².

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг Африкада ҳам миллий озодлик ҳаракатлари бошланди. Мустамлакачилик ва унинг оқибатларига барҳам

¹ Идеиные течения в Тропической Африке. - М.: «Наука», 1969. – с.18

² Брагинский М.И. Освобождение Африки. М.: «Наука», 1964. – с.21

2 Аюпов О.А. Энг янги тарих. Муаммоли маъруза матни. – Гулистон, 2003. 50-б

бериш, халқ эҳтиёжларига жавоб берадиган бошқарувни, иқтисодий ва ижтимоий муносабатларни қарор топтириш, мавжуд муаммоларни бартаф этиш ва халқаро майдонда мустақил давлатнинг ўз ўрнига эга бўлишни таъминлаш ўзига хос ўтиш даврида Африка жамияти олдидаги долзарб масала ҳисобланарди. Албатта, ҳар бир африкалик ўз ижтимоий мавқеи, манфаати, дунёқарашидан келиб чиқиб мазкур муаммоларни бартараф этиш учун бошқарувнинг монархия, конституцион монархия, республика шаклига овоз бериш, ёхуд капиталистик, социалистик, авторитария моделларидан боришни афзал билишарди. Табиийки, бу ўтиш даврининг зиддиятли томони бўлиб, этник, қабилавий, синфий зиддиятлар кучли бўлган Африкада яққол кўзга ташланарди.

Дастлаб мустақилликка Шимолий Африкадаги барча араб мамлакатлари эришдилар (Жазоир бундан мустасно). Тропик Африканинг аксарият давлатлари мустақилликни 1960 йили қўлга киритдилар ва бу йилни Африка йили деб атадилар.

Мустақилликка эга бўлмаган охириги ҳудуд бу Германияга тегишли бўлган /арбий Африка эди: биринчи жаҳон урушидан кейин уни бошқариш Жанубий Африка Республикаси зиммасига юклатилган эди. курулли кураш натижасида 1989 йилда бу ерда ҳам Намибия номли янги мустақил давлат пайдо бўлди¹.

Африкада ҳозирги кунда 53 та мустақил давлат бор. /арбий Саҳрои Кабир БМТ васийлигида бўлса, ороллар Сеута ва Мелиля – Испания, Реюньон Франция, Сан-Елена Буюк Британияга қарашли ҳисобланади².

XX асрда Африкада кескин сиёсий ўзгаришлар натижасида давлатларнинг номлари ўзгариб, қуйидаги кўринишга келди:

1. Юқори Вольта – Буркина-Фасо.
2. Яшил Бурун ороллари – Кабо Верде.

² Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. –Т.: «Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси». 2000-2005 йиллар

3. Фил Суяги қирғоғи – Кот-д’ Ивуар.
4. Дагомея – Бенин.
5. Жанубий Родезия – Зимбабве.
6. Басутоленд – Лесото қироллиги.
7. Ньясаленд – Малави.
8. Убанги Шари – Марказий Африка Республикаси.
9. Жанубий-/арбий Африка – Намибия.
10. Олтин қирғоқ - Гана.
11. Зоир Республикаси – Конго Демократик Республикаси.

Африка давлатларининг барқарор тараққиёт моделига кириб олиши ниҳоятда қийин кечди. Ҳокимият учун турли ижтимоий гуруҳлар, қабилалар, элатлар ўртасидаги курашлар ва уларнинг ўз манфаатларига мос равишда бошқарув шакллари яратишга интилишлари ва йирик давлатларнинг бу курашларни фаол ривожлантириши Африка сиёсий ҳаётидаги беқарорликни анъанавий ҳолатга айлантирди.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин барча Африка давлатларида ҳокимият тўнтаришлари, ҳарбий авантюралар бўлиб ўтди. Курашлар охир оқибатда аксарият Африка давлатларида республика тизимининг қарор топишига олиб келди. Фақатгина Свазиленд, Марокаш, Лесото давлатларида миллий ўзига хослик ва шарт-шароитдан келиб чиқиб конституцион бошқарувнинг монархия шакли танланди.

Африка давлатларининг кўпчилиги президентлик республикаси бўлиб, бу кучли марказий ҳокимиятга бўлган эҳтиёжнинг ифодасидир. Бу тизимдан муаммоларни ҳал қилиш, хавфсизликни таъминлаши кўзда тутилганди. Этник, сиёсий, ҳудудий зиддиятлар кучли бўлган Африкада парламентар республика шакли кенг тарқалмади. Бу кучли сиёсий бўлинишга хизмат қилиниши инобатга олинганининг оқибати эди.

XX асрнинг иккинчи ярмида оммавийлашиб бораётган республика бошқарув тизимига ўтиш осонликча амалга ошгани йўқ. Аксинча, бу жараён

собик мустамлакачиларнинг таянчи бўлган маъмурий бошқарув тизимлари: федерация, конфедерация, монархия ва шу каби сиёсий таянчларини қуролли кураш эвазига ағдариш орқали амалга оширилди.

Жумладан: 1952 йил 23 июлда Мисрда монархиянинг ағдарилиши, 1957 йилда Тунисда монархиянинг тугатилиши, 1969 йилнинг 1 сентябрида Ливияда Идрис I нинг ағдарилиши, 1974 йилда Эфиопиядаги монархиянинг тугатилиши, 1976 йилда Марказий Африка Республикасида Бокаса I нинг ағдарилиши, шунингдек, Свазиленд, Марокаш, Лесото каби давлатларда абсолют монархиялар ўрнига конституцион монархияларнинг ўрнатилиши қитъада абсолютизмга барҳам бериши билан бирга айнан шу воқеалар қўшни халқларнинг фаол ҳаракатларига сабаб бўлди¹.

Булардан ташқари юқорида таъкидлаганимиздек, республикага ўтиш собик метрополияларнинг маъмурий бошқарув тузилмалари - федерациялар, конфедерациялар, турли иттифоқларга барҳам бериш орқали ҳам содир бўлди. Буни қуйидаги муҳим тарихий фактлар мисолида кўришимиз мумкин.

1953 йилда тузилган Родезия – Ньясаленд федерацияси 1964 йил Ньясаленд ўрнида мустақил Малави республикасининг ташкил топиши билан якунланди.

Франция ҳукумати 1959 йилда ўзига қарашли Сенегал ва Суданни Мали Федерациясига бирлаштирган эди. Лекин бу амалиёт ўзини оқламади. 1960 йилнинг 10 августида Сенегал федерациядан чиқди. Шунингдек, Судан ва Мали каби унитар давлатларнинг ташкил топиши натижасида мустамлакачи манфаатларига жавоб берувчи федерация ўз кучини йўқотди.

Бундан ташқари 1953 йилги Англия тузган Родезия, Ньясаленд федерациясидан 1965 йилда ашаддий ирқчи Ян Смит раҳбарлигидаги Жанубий Родезия ажралиб чиқди, лекин бу давлат ирқчиликнинг таянчи бўлиб қолди. Бундай сиёсий ва маъмурий тузилмаларнинг инкирози аслида 1953-1955 йилларда Буюк Британиянинг Кения, Таганьика, Угандани ягона

¹ Гусенов К.А. Африка от колониализма к свободе. - М.: «Наука», 1979. -с. 86

федерацияга бирлаштириш сиёсатининг муваффақиятсиз якунланганлигидан кейин бошланган эди¹.

Бундай номақбул бошқарув шакллариининг инқирозига асосий сабаб, авваламбор, бу кўпроқ метрополиялар манфаатларига жавоб бериши, этник, сиёсий, ҳудудий муаммоларни вужудга келтириши, қолаверса, яхлит миллат бўлиб шаклланаётган халқларнинг қандайдир ташқаридан тузилган федерацияларда эмас, балки, ўз эҳтиёжларига жавоб берадиган миллий мустақил давлатларни барпо этиш учун курашларидир.

Эътибор берсак, юқорида таҳлил қилинган ва тарқалиб кеган федерациялар, бирлашмалар Тропик ва Жанубий Африкада, Шимолда эмас. Чунки Шимолий Африкада азалдан кучли марказлашган бошқарув системаси ва миллий бирлик тропик ва жанубий минтақаларга нисбатан анча мустаҳкам эди.

Аксинча, бундай омиллар заиф бўлган тропик ва жанубий минтақалар то яхлит сиёсий моделга мослашгунга қадар кўплаб сиёсий тўнтаришлар, этник низолар ва шу каби хавфли ҳодисаларни бошдан кечирдилар.

Португалия мустамлакаларининг аксарияти 1974 йилдаги инқилоб натижасида Португалияда фашистик режим инқирозидан сўнг озодликка чиқишди. Шуни ҳам алоҳида қайд этиш жоизки, айрим мамлакатларда турли хил элатларнинг марказий ҳокимият учун, шунингдек, барча ваколатлар, имтиёзлар, ҳуқуқлар учун кураши кучайганлиги туфайли бача элатлар, қабилалар, эътиқодларнинг ҳақ-ҳуқуқларини тенглаштиришни таъминлаш, уларнинг ўз ҳудудларини бошқариш учун кенг қамровли эркинликлар берилишининг кафолати бўлган федератив республика моделига ўтилди.

Нигерия, ЖАР, Камерун, Эфиопия давлатлари федератив республикаларга айландилар. Нигерияда ривожланган жанубда хокилар ва шимолда унчалик ривожланмаган йорубалар ўртасида зиддиятлар федерация

¹ Балезин А.С., Грошков Е.А. История Тропической и Южной Африки. - М.: «Наука», 1989. с.34-35

ичидаги асосий зиддиятлар сифатида узоқ вақт давом этди. Кейинчалик Шарқий Нигерияда йирик нефть конларининг очилиши натижасида бу ерда ҳам сепаратизм кучайди. Сепаратизм ва Трайбализм анъанавий ҳолатга айланди. Яна бир федератив бошқарув моделидан борган ЖАРда ҳам Зимбабве, Намибия каби давлатларнинг ҳуқуқлари, ваколатлари анча чекланганлиги, тенглик бўлмаганлиги туфайли улар федерациядан чиқиб кетдилар, қолаверса, оқ танлиларнинг ҳукмронлиги «совуқ уруш» даврида ирқчилик, апартеизм, расизмни кучайтирди. Президентлар Стрейдон (1954-1958), Фервурд (1958-1966), Форстер (1966-1979), Бота (1980-1989)лар даврида расизм давлат сиёсати джаражасига кўтарилди.

Африка миллий конгресси бошчилигидаги қора танлиларнинг узоқ кураши натижасида ЖАР 1993 йилга келиб расизмни бекор қилиб, демократик давлатга айланди¹.

Нигерияда 1999 йил 20 февралда ҳокимиятга Олесугун Обисанги келиши билан ҳарбий тўнтаришлар, этник зиддиятларга қисман чек қўйилди. 1993 йил 24 майда Эфиопиядан мустақил Эритрея давлатининг ажралиб чиқиши икки ўртадаги қонли урушларнинг тугатилишини таъминламади. Аксинча, тўқнашувлар давом этди².

Африкада ижтимоий гуруҳлар, элатлар, қабилалар ўртасидаги зиддиятлар ташқи дунёдаги совуқ урушнинг таъсирида Африка давлатлари ички ва ташқи вазият ва ҳукмрон доираларнинг манфаатидан келиб чиқиб тараққиётнинг турлича моделларидан борди.

Шимолий Африканинг араб давлатларида ривожланиш турли йўллар билан борди. Марокаш ва Тунис /арб йўналиши (бозор иқтисодиёти)дан борган бўлса, Жазоир ва Ливия социалистик ислохотлар тарафдорлари эдилар. Ислом социализми йўналишига амал қилган Жазоирдаги президент Аҳмад бин Белла (1962-1965) ва Ливиядаги Муаммар Каддафи ҳукумати чет

¹ Хидоятлов Г.А., Гулямов Х.Г. Всемирная история. Новейший период Европы и США после второй мировой войны. - Т., 1999. – 227 –б.

² Сумбатян Ю. Армия вне политики. // Азия и Африка сегодня. 2000. №4. – с.20.

эл таъсирига барҳам бериш, ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш, миллий мустақил иқтисодиётни яратиш учун йирик монополияларни национализация қилиб, давлатнинг барча жабҳаларидаги монополиясини ўрнатдилар¹.

Бундан ташқари, Африка давлатлари чет эл таъсирини ўтказишга хизмат қилувчи миллий доиралар ва чет эл монополияларининг таъсирини заифлаштириш, уларнинг мулкани давлат тасарруфига ўтказиш, шу орқали ижтимоий ҳимояни яхшилаш, совуқ уруш шароитида социалистик блок билан яқинлашиб, ўзининг эски метрополияси неоколониалистик экспансияларидан ҳимоя қилиш сиёсатини олиб бордилар. Бундай сиёсатни олиб борган сиёсий доиралар ва сиёсий партиялар социалистик блок томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланиб, улар жамиятдаги АҚШ ва /арб давлатлари қўллаб-қувватлаётган мухолифатга: ислом фундаменталистлари, консерватив сиёсий, молия, саноат доиралари, этнослар қаршилигини синдиришга ҳаракат қилдилар.

Собиқ иттифоқ кўмаги билан бир қанча ижтимоий ислохотлар олиб борган давлат раҳбарлари ва сиёсий партияларнинг нуфузи ўсиб борди. 1956 йил июлда Сувайшда чет эл монополияларини национализация қилган ва аграр ислохотларни амалга оширган Миср президенти Абдул Носир ҳукуматининг (1956-1976) фаол ҳаракатлари Африканинг бошқа давлатларига ўрнак бўлди.

Тунис президенти Бургиб Ҳабиб ибн Али (1957-1987) ва унинг раҳбарлигидаги социалистик дастур партияси, Анголанинг биринчи президенти Агостино Нетто (1975-1979) ва унинг Анголани озод қилиш учун халқ ҳаракати (МПЛА), Мозамбик президенти Самора Маниел (1975-1986) ва унинг Мозамбикни озод қилиш фронти (ФРЕПИМО), Гана президенти К. Неруша (1960-1966)нинг «Африкача социализми»; Бенин халқ революцияси партиясининг 1976-1985 йиллардаги социалистик ислохотлари, 1969-1988 йиллардаги давлат секторини ривожлантирган Конго меҳнат партияси ва

¹ Левин З.И. Ислам и национализм в странах зарубежного Востока. М.: «Наука», 1988. – с.155-156

бошқа шу каби сиёсий партиялар африкача социализм йўналишидан бориб, миллий бирдамликни мустаҳкамлаш ва мавжуд муаммоларни ҳал қилишга ҳаракат қилдилар¹.

Умуман олганда, социалистик ислоҳотларни ўтқозиш давр тақозоси эканлиги туфайли аксарият Африка давлатлари кучли қаршиликларга қарамасдан, бу ислоҳотларни амалга оширдилар. қатъий социалистик йўналишда сиёсат олиб борган давлатлардаги ислоҳотлар табиийки, кучли маъмурий-сиёсий бошқарувни вужудга келтирди.

Африканинг иккинчи жаҳон урушидани кейинги сиёсий тарихини таҳлил қилиб шунинг гувоҳи бўламизки, бу ерда омма ҳам демократик жамият қуришга доир зарур бўлган, кучли сиёсий, ҳуқуқий дунёқараш, кўникма ва ҳаракатлар ривожланмаганлиги, қабилавий зиддиятлар, этник низолар кучлилиги ва миллий бирдамлик заифлиги туфайли барқарор халқпарвар тузумни қуриш ниҳоятда қийин кечди.

қолаверса, бундай ҳолатда мамлакатда барқарорликни ўрнатиш ниҳоятда кучли марказлашган бошқарувни вужудга келтирди. Вақти-вақти билан содир этилган давлат тўнтаришларининг аксарияти АҚШ, /арб давлатлари томонидан қўллаб-қувватланиши туфайли ҳарбий ҳукуматлар жамиятда эндигина шаклланаётган демократик тамойиллар: сўз ва матбуот эркинлиги, сиёсий плюрализм ва бошқа шартларни батамом чекладилар. Бу ҳарбий бошқарувлар тор доирадаги ижтимоий гуруҳлар ва ташқи кучларнинг манфаатларига кўпроқ жавоб берарди. Неоколониалистик сиёсат юргазётган йирик давлатлар ва уларнинг ҳомийлигида давлатни идора қилаётган ҳарбий ҳукуматлар, диктаторлар, авторитар режимлар халқнинг демократиялашуви ва сиёсийлашуvidан бир мунча ёпиқ жамият тусига — изоляцияда сақланишдан манфаатдор эмас, улар учун энг мақбул йўл - ташқи кучлар мададига таянган ва улар билан яқин алоқада бўлган, баъзи пайтларда

¹ Сиёсий партиялар. Справочник. - Т.: «Ўзбекистон», 1988. 230-251- 6

мўтадил сиёсат юрғизишга қодир бўлган авторитар режимларни сақлаб қолиш совуқ уруш давридаги энг маъқул вариант бўлиб қолди.

Шу тариқа демократик жамият қуришдек муҳим масалани ҳал этишга ҳали унчалик тайёр бўлмаган Африка жамияти сиёсий бошқарувнинг деярли барча шакллари: монархия, конституцион монархия, президентлик республикаси, парламентар республика, ҳарбий бошқарув, авторитаризм, диктатура, шунингдек, ислом нормалари, социалистик нормалар ва /арб моделларига мослашган бошқарув тизимларини синовдан ўтказишга мажбур бўлдилар¹.

Шунинг учун Африкада ҳарбий ва аксилинқилобий тўнтаришлар тез-тез бўлиб турди, барқарорлик йўқолди. Барча ижтимоий-иқтисодий муносабатлар мураккаб этник таркиб ва этник рақобат туфайли этник нуқтаи назардан амалга оширилди.

Бу сиёсий луғатда «Трайбализм» деб юритилади. Трайбализм давлат сиёсатига қоришиб кетди.

Трайбализм қабилалар орасидаги низо, қабилаларнинг ажралиб чиқишига, алоҳидаликка (сепаратизмга) интилиши. Трайбализм уруғ-қабилачиликка бўлиниш сарқитлар ҳам мавжуд бўлган жамиятда намоён бўлади. Мустамлакачилар миллий озодлик ҳаракатларини бўшаштириш учун, кейинчалик эса, мустамлакаларда озодлик ҳаракатига қарши кураш учун трайбализмдан унумли фойдаландилар. Мустамлакачилик системаси барбод бўлиши билан собиқ метрополиялар ривожланаётган мамлакатларда ўз ҳукмронлигини сақлаб қолишга ҳаракат қилиб, қабилалар орасидаги низоларни ҳар хил йўллار билан авж олдирмоқдалар. Айрим тор маҳаллий доиралар йирик давлатларга иттифоқчи бўлди. Африканинг прогрессив сиёсий арбоблари трайбализмга қарши кураш олиб бормоқдалар².

¹ INTERNET: www.marx-journal.ru. Фадеева И. Демократия в африканском мире: реальность и перспективы // Мировая экономика и международные отношения. № 2, 2003 г. -С.7

² Ашукин И.С., Вебер А.Б. +ис=ача сиёсий луғат. - Т.: «Ўзбекистон», 1975. 252-б

Африка давлатларидаги вақти-вақти билан содир этилган ҳарбий тўнтаришлар ва ҳокимиятни эгаллаган режимлар айнан трайбализм натижаси, яъни Европа ва АҚШ қўллаб-қувватлаган қабила ва элатларнинг бошқа қабила ва элатларга қарши бўлган антидемократик бошқарув тизимлари эди.

Бошқарувнинг бундай тизимларига инсоният тарихидан кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Бу сиёсий ҳаётда ўзига хос бўлиниш бўлиб, кўпроқ африкача социализм ва /арб бозор иқтисодиёти моделлари ўртасидаги кураш сифатида гавдаланади. Айрим ҳолларда бу кураш тараққиёт моделларини зўравонлик йўли билан ўзгартириш йўлидан борилди. Шимолий Африкадаги энг йирик антиимпериалистик курашчи сифатида ном қозонган Жамол Абдул Носирнинг 1970 йилда вафот этиши туфайли президент бўлган Анвар Садат барча ислохотларни бекор қилиб, очик эшиклар сиёсатини юритди. У /арб давлатлари, АҚШ, Исроилга ён босди. Мисрнинг чет эл таъсирига тушиб қолиши мамлакатнинг аввалги мавқеига салбий таъсир кўрсатди. Шимолий Африка ва Африканинг бошқа мусулмон давлатлари сиёсий ҳаётида /арб таъсири ва «совет хатари»га қарши, яъни уларнинг тараққиёт модели ва таъсирига қарши исломий муҳолифат шаклланиб, бу муҳолифат жуда ката кучга айланди. Муҳолифат совет ёки /арб йўриғига юраётган сиёсатчиларни асло кечирмасдан кескин чоралар кўриди. 1981 йил 6 октябрида Анвар Садатнинг Исроилга таслимчилиги учун мусулмон фанатиклари томонидан ўлдирилиши бунинг ёрқин исботидир¹.

Бельгиянинг энг бой мустамлакаси бўлган Конгонинг энг бадавлат провинцияси Катангада М. Чомбе бошчилигидаги сепаратистларнинг 1960 йил сентябр ойида ҳокимият тўнтаришини амалга ошириб, Патрис Лумумба бошчилигидаги ватанпарварларни репрессия қилгани, мамлакатда ғарб давлатларини таъсирининг кучайтиргани учун 1965 йилнинг ноябрида

¹ Жданов Н.В., Игнатенко А.А. Ислам на пороге XXI века. М.: «Наука», 1989. –с.86

Мобуту раҳбарлигидаги ҳарбийлар томонидан ағдариб ташлади. Лекин бу ҳолат мамлакат ҳаётида ижобий ўзгариш ясамади. Аксинча, чет эл монополиялари таъсирини янада кучайтирди¹.

Бундай тўнтаришлар ва сиёсий ўзгаришларни амалга оширган гуруҳларнинг ватанпарварлик ва чет эл қарши кайфиятдаги қисми собиқ иттифоқ томонидан фаол қўллаб-қувватланса, эски тузумни сақлаб қолишга интилган доиралар ёки /арб ва АқШ билан кучли сиёсий алоқаларга эга бўлган гуруҳларни АқШ ва /арб мамлакатлари қўллаб - қувватларди².

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Умуман олганда Трайбализм, неокOLONиализм, этник зиддиятлар, сепаратизм (Кабиндада, Эритреяда, Судан жанубида, Катангада ва б.) Африкани дунёнинг сиёсий жиҳатдан энг зиддиятли нуқтасига айланишига олиб келди.

1950 йилдан 2000 йилгача қитъада 35та йирик қуроли тўқнашув бўлиб, уларнинг натижасида 10 000 000 дан ортиқ тинч аҳоли ҳалок бўлганлиги аниқланди. қочоқлар сони эса 7 миллиондан то 10 миллионгача рақам атрофида ўйнаб турди. 90-йилларнинг ўрталарида қитъанинг 45 давлатидаги бошқарув авторитар хусусиятга эга эди. Анархия, трайбализм, ички ва ташқи душманга қарши курашиш жараёнида авторитаризм мустаҳкамланди³.

XX аср охирига келиб дунёда совуқ урушнинг барҳам топиши, тинчлик, адолат учун курашларнинг ривожланиши натижасида, қолаверса, Африкада ҳам бу борадаги ҳаракатлар натижасида айрим давлатлар сиёсий ҳаёти анча барқарорлашиб, демократик ислохотлар амалга оширила бошлади. Бу айрим Африка давлатларида ҳокимиятга янгича фикрлайдиган сиёсатдонлар келиши билан фаол ислохотлар сифатида намоён бўлди.

¹ INTERNET: www.marx-journal. Мартенс Л. Народ Конго во главе с П.Д. Кабилой в борьбе за независимость и социальные преобразования. - 2005. –с.3

² Балезин А.С., Грошков Е.А. История Тропической и Южной Африки. М.: «Наука», 1989. – с. 34

³ Нартов Н.А. Геополитика. - М.: «ЮНИТИ», 2000. – с. 291

1991 йил 25 мартда Малида давлат тўнтариши рўй бериб, ҳокимиятни қўлга олган А. Туре бошчилигидаги халқни қутқариш қўмитаси демократик ислохотларни ўтказишга киришди. 1991 йилдан Мавритания ислом республикаси, Буркина-Фасода сиёсий плюрализм, кўппартиявийликка рухсат берилди. Малави республикаси 1994 йил 17 майдан кўппартиявийликка ўтди. Лесото қироллигида 1993 йилдан демократик сайловлар йўлга қўйилиб, ҳарбий бошқарув тизимига чек қўйилди. ЖАРда 1991 йилда Африка миллий Конгрессининг узоқ курашлари натижасида ирқчилик бекор қилинди. Суданда президент Ҳасан Аҳмад ал Башир 1993 йилда сиёсий партиялар фаолиятига рухсат берди.

1997 йилда Зоирда Мобуту ҳарбий режими афдалиб, Конго Демократик Республикаси ташкил топганлиги эълон қилинди.

Марокашда ҳам 1993 йилдаги фуқаролик жамиятига ўтиш бошланди. Африканинг ривожланиб бораётган яна бир давлати – Нигерияда 1999 йил 20 февралда Омесегун Обасанжон президент бўлиши билан ҳарбий тўнтаришлар барҳам топиб, сиёсий барқарорликни қарор топдириш, енгил ва оғир саноатни ривожлантириш учун ислохотлар амалга оширилди.

Этник ва қабилавий зиддиятлар гирдобидаги Руандада 2000 йил 17 апрелда тутсилар элатидан бўлган Поль Кагаме президент бўлганлиги учун этник зиддиятлар бир оз юмшади. Барча элатлар, қабиалар ҳуқуқлари тенглаштирилди.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, қитъада демократияни жорий этиб, сиёсий анархияга дучор бўлиш ва барқарорликни йўқотишдан хавфсираган халқлар мавжуд. Бу турли хил сиёсий партияларнинг ҳокимият учун қуролли курашларнинг такрорланмаслигини хоҳловчилар фикрининг натижасидир. Буни биз Уганда мисолида кўришимиз мумкин. 2000 йил 29 июнидаги референдумда аҳоли кўппартиявийликка қарши чиқди¹.

¹ www.bankreferatov.ru. Фадеева И. Уровни демократизации в африканском мире. - М., 2003. – с.8

XX асрнинг 90-йилларида Африкадаги сиёсий беқарорликнинг энг кучли нуқтаси Либерия бўлиб қолди. Бу ерда 1989 йил 24 декабрда фуқаролар уруши бошланди. Доу ҳарбий режими бошчилигидаги АҚШ либерийлар ҳукумати этник зиддиятлар ва террорни кучайтирди. Гио, Мано ва Доуни қўллаб қувватлаган Мандино элатлари ҳокимият учун курашни бошладилар. Либерия фуқаролар урушида ҳокимият учун учта гуруҳ кураш олиб борди. Булар қуйдагилар:

1. Доу ҳарбий режими (АҚШ, Нигерия, Мондино элати қўллаб-қувватлади).
2. Тейлор раҳбарлигидаги Либерия миллий ватанпарварлик фронти (Франция, Буркина-Фасо, Гвинея, Кот'д Ивуар қўллаб-қувватлади).
3. Принс Иорми Жонсон раҳбарлигидаги мустақил Либерия миллий ватанпарварлик фронти (Гио ва Мано элатлари қўллаб-қувватладилар).

Кейинчалик можарога тортилган сиёсий гуруҳлар сони бештага етди. БМТ хавфсизлик Кенгаши, /арбий Африка иқтисодий ҳамжамияти ва бошқа минтақавий ташкилотларнинг қатъий ташаббуслари туфайли 1995 йил 26 августда Тейлор ва унинг мухолифларидан иборат коалицион ҳукумат тузилса-да, бу ерда трайбализм, анархия сақланиб қолди¹.

Бугунги кунда ҳам Африка дунёнинг сиёсий жиҳатдан энг беқарор нуқтаси ҳисобланади. БМТ, халқаро минтақавий ташкилотлар сиёсий беқарорликка барҳам бермоқда. Табиийки, бу иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, ҳудудий муаммолар, этник зиддиятлар ва уларнинг негизида ётган ҳуқуқлар ва имтиёзларни адолатли ҳал қилинишига боғлиқ.

¹ Френкель М. Гражданская война в Либерии в 1989-1997гг // Мировая экономика и международные отношения . 2003, №4 –с.107

4. Африка: иқтисодий, ижтимоий муаммолар.

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврда босқичма-босқич мустақилликни қўлга киритаётган қолоқ Африка давлатлари олдида ниҳоятда мураккаб иқтисодий, ижтимоий муаммолар пайдо бўлди. Бу муаммолар мустамлакачилик тузумининг салбий оқибатлари (Африканинг таланиши, арзон хом ашё базасига айлантириш, турмуш даражасининг пасайиши), ўтиш давридаги сиёсий, этник, ҳудудий можаролар, шунингдек Европа ва АҚШнинг Африка давлатлари мустақиллигининг заифлаштириш ва ўзларининг қайтадан таъсирига олиш учун амалга оширган неоколониалистик сиёсати туфайли янада кескинлашиб кетди. Африкада ўткир иқтисодий ва ижтимоий муаммолар ҳал қилинмаса, бу ерда сиёсий беқарорлик, этник низолар, турмуш даражасининг ночорлиги, саводсизлик, қолоқлик сақланиб қоларди.

Табиийки, бундай аҳволда минтақавий хавфсизлик ва тараққиётни таъминлаш жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш каби масалаларни ҳам ҳал қилиб бўлмасди. Шунинг учун ҳам мураккаб иқтисодий ва ижтимоий тангликда қолган аксарият Африка давлатлари мустақиллиги фақат расмий бўлиб, уларнинг хом ашё базаси сифатидаги мавқеи сақланиб қолган эди. Бу мустақилликни қўлга киритишдан ҳам, уни сақлаб қолиш қийин деб эслатилган тарихий қонуннинг ҳақлигини Африка мисолида исботлайди.

Бундан ташқари, ички ва ташқи омиллар таъсирида рўй берган сиёсий, ҳудудий, этник, трайболистик урушлар инқирозни янада кучайтирди. Экологик ҳолатнинг янада ёмонлашиши, эпидемиялар тараққиёт учун зарур бўлган ижтимоий имкониятлар (интеллектуал салоҳият, ишчи кучи ва ҳ.к.) ни заифлаштириб, аҳоли ўсишига салбий таъсир кўрсатиб келди.

Шунинг учун ҳам Африка анчадан бери қолоқ, аграр, хом ашё етказиб бериб, тайёр маҳсулотларни қиммат нархларда сотиб оладиган марказ бўлиб қолди. Бу эса ўз навбатида инфляцияга ва халқ турмуш даражасининг тобора оғирлашишига сабаб бўлди. Ривожланган давлатлар қитъани арзон хом ашё базаси ва маҳсулотлар сотадиган бозор сифатида ўзларига қарам ҳолатда ушлаб қолиш учун бу ердаги мавжуд муаммоларни ҳал қилишга унчалик ҳаракат қилмай, аксинча, зиддиятларни кучайтириш йўлидан бормоқда. қачонки, қайсидир давлатда кучли позицияга эга бўлган сиёсий элита чиқса, ёки бирор давлатнинг геостратегик аҳамияти ошиб борса бу ердаги вазият билан ҳисоблашиш йирик давлатлар учун асосий мақсад бўлиб қолади.

Аксарият ўткир муаммолар албатта, мустамлакачилик даврига тўғри келади. қолаверса, Саҳрои Кабир, Калахари чўлларининг кенгайиши натижасида аҳвол янада оғирлашди. Суданда 1980 йиллар ҳар ойда 10 000 бола ҳалок бўларди. Нигер, Мали, Чад, Эфиопияда ҳам ўлим даражаси юқори эди¹.

1980 йил ўрталарида қурғоқчилик, иқтисодий ва ижтимоий танглик, очарчилик туфайли 2 000 000 одам ҳалок бўлиб, уларнинг аксариятини ёш болалар ташкил этарди. Африкада 1980 йилларнинг ўрталарига келиб ўртача умр 40 ёш, болалар ўлими бошқа давлатлардагига нисбатан юқорилиги тараққиёт учун зарур бўлган ижтимоий омилларга салбий таъсир кўрсатди.

Шу даврда дунёдаги 36 энг қолоқ давлатнинг 26 таси Африкада жойлашган. Африкада ер юзи аҳолисининг 15%и истиқомат қилган ҳолда, саноат маҳсулотларининг 1 %и, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 6%и ишлаб чиқарилади. Африка аҳолисининг катта ёшлилардан бор-йўғи 30 % и саводли. Импорт молларининг қимматлиги ҳам Африка молиясига зарар келтирмоқда².

¹ Балезин А.С., Грошков Е.А. История Тропической и Южной Африки. - М.: «Наука», 1989. —с.45

² Балезин А.С., Грошков Е.А. История Тропической и Южной Африки. М.: «Наука», 1989. —с.45

Неоколониализм – йирик давлатларнинг Африкани ўз таъсирига олиш учун очикчасига босиб олиш йўналишини эмас (чунки бу энди ўзини оқламайди), балки, янгича иқтисодий, сиёсий, молиявий, гуманистик экспансиялардан фойдаланиш ҳам Африкада прогресс эмас, аксинча, регрессни кучайтирмоқда. АҚШ ва Европа давлатларининг қарзларни жуда юқори банк фоизларига беришлари қарамликни янада кучайтирди. 1980 йилларнинг ўрталарига келиб Африканинг ташқи қарзлари 150 000 000 000 долларга етди¹.

Албатта, бундай иқтисодий ва ижтимоий танглик бошқарувда ҳам жуда катта муаммолар борлигидан далолат беради. Этник сиёсий курашлар натижасида ҳокимиятга келган ёки АҚШ ва Европа давлатлари таъсирига бўйсунувчи давлат раҳбарлари Африкада кўпчиликни ташкил этиб, сиёсий ҳаётда коррупция, суистеъмолчилик, порахўрлик, сепаратизм ва шу каби бошқа хавфли иллатларнинг кенг илдиз отишига сабаб бўлди. Бундай ҳолатда Африка миллий маданияти, маънавияти ҳам ўзгариб борди. Колониализм даврида умуман Африка маданияти ниҳоятда паст эди. Янги дунёвий маданият маҳаллий аҳоли анъаналари асосида эмас, балки метрополиялар таъсиридан олинган. Кўпгина тиллар йўқ бўлиб кетди ва метрополия тиллари кучайди. Бу ерда энг қолоқ ибтидоий патриархал уруғчилик маданиятидан то ҳозирги глобаллашув даврида АҚШ ва Европадаги юқори доираларнинг маданиятигача бўлган маданий тараққиёт даражалари кузатилади.

Яна бир катта муаммо демографик муаммолардир. Африка мамлакатларида аҳоли нотекис жойлашган. Бугунги кунда Нигерияда аҳоли сони 107 миллион, Эфиопияда 58 миллион, ЖАРда 42 миллион кишини ташкил этади. Ўртача туғилиш ҳар минг кишига 47 та. Йил бўйи аҳолининг ўсиши бўйича Африка дунёда араб мамлакатларидан кейин иккинчи ўринда туради. Этнодемографик вазиятнинг кескинлиги: айрим этносларнинг турли

¹ Ю=оридаги жойда.

худудларга тарқалиши, мавжуд ресурслар ва ҳуқуқлар учун этнослар ўртасидаги курашлар, этник ўзликни англашнинг ниҳоятда кучлилиги том маънодаги миллатларнинг узил-кесил шаклланишига тўққинлик қилмоқда.

Африка тарихида шундай даврлар ҳам бўлдики, яшаш учун шароит жуда оғирлиги сабабли «бир мамлакатда бир миллат» шиори кун тартибига қўйилди. Бу шиор айна пайтда миллий тил, маданият, маънавиятни ҳам сақлаб қолишга бўлган ҳаракатларнинг ифодаси сифатида намоён бўлди. Масалан, Марокаш ва Жазоирдаги маҳаллий берберлар мамлакатнинг батамом араблашиб кетишига қарши 1950-1980 йилларди муҳолифат сифатида кураш олиб бордилар¹.

Демак, этник жиҳатдан мураккаб тузулишга эга бўлган Африка жамиятида этник ўзликни англаш ҳар доим ҳам давлат сиёсатига таъсир этиб келди.

Турли этносларнинг ҳудудий жойлашиши ҳам келажакда анча низоларни келтириб чиқариши мумкин. қолаверса, айрим йирик халқлар, масалан, Мандринго халқи Сенегал, Гвинея, Мали, Кот'д Ивуар, Замбия, Сьерра-Леоне ва Либерия давлатларида истиқомат қилади. Агар оғир шароитда яшаш учун кураш ниҳоятда кучайиб кетса, бу халқлар янада кескин этник дискриминацияга учраши, этник ўзликни англаш жараёнида ўзларининг мустақил давлатларини қуришга интиладиган бўлса вазият янада чигаллашади. Африкада келажакда бундай низолар келтириб чиқадиган мушкул вазиятлар юз бермаслигига ҳеч ким кафолат бера олмайди².

Бу Президентимиз И.А. Каримовнинг «Зеро, этник ўзлигини англашнинг ўсиши яна узоқ вақт давомида ҳозирги дунё тараққиётининг

¹ Празаускас А.А., Никольский Л.Б. Межэтнические конфликты в странах зарубежного Востока. - М.: «Наука», 1991. – с. 246-247

² <http://un.org> sayt. Причины конфликтов и содействия прочного мира и устойчивого развития в Африке. Доклад Генерального Секретаря. 1998. – с.5.

динамикасини белгилаб туради», - деган фикрининг келажакдаги ифодасидир¹.

Дунёдаги 1600 дан ортиқ этник гуруҳларнинг атиги 200 тага яқинининг ўз мустақил миллий давлати борлиги аксарият этносларнинг Африкадалиги келажакда ҳам қитъада этник сепаратизм кучайишидан далолат беради.

Конго халқлари ассоциацияси (АБАКО), /арбий Африкадаги «Эве халқлари иттифоқи», Нигериядаги йорубаларнинг «Одудува ўғлонлари жамияти» ўз давлатларининг сунъий чегаралаш сиёсати туфайли қўшни давлатларга ўтиб кетган ҳудудларининг қайтарилиши, ўзларининг миллийлигини сақлаб қолишни бош мақсад сифатида эълон қилиб ҳаракат олиб борди. Бугунги кунда ҳам бундай жамиятларни кузатишимиз мумкин. Улар ҳозирги глобаллашув жараёнига қарши куч сифатида гавдаланадилар.

Африка давлатлари жуда катта қийинчиликлар билан саноатлаштириш босқичига ўтиши урбанизацияни кучайтирди. Йирик саноатлашган марказлар турмуш даражаси оғир бўлган қишлоқлардан кўчиб келганлар ҳисобига кўпайиб, мавжуд муаммоларни янада кучайтирди. Ҳар бир давлатда яшаш учун қийин бўлган чўлли, ўрмонли, тоғли, қурғоқчил ҳудудларни одамларнинг тарқ этиши йирик шаҳарларда зиддиятларни янада кучайишига олиб келди. Янги кўчиб келганларни иш билан таъминлаш (қолаверса, уларнинг кўпчилиги саводсиз), уй-жой масалаларини ҳал қилиш, ижтимоий ҳимоялаш ҳам ҳукуматларга қийин бўлиб қолди. Кетма-кет ҳарбий тўнтаришлар, фуқаролар ва ташқи урушлар ижтимоий вазиятни янада оғирлаштирди. Аҳоли сони 1980 йиллар ўрталарида бениҳоя кўпайган йирик шаҳарлар: Лагос (3,5 млн), Киншаса (3 млн), Йоханнесбург (2 млн), Аддис-Абеба (1,5 млн) асосан мана шундай кўчиб келганлар ҳисобига кўпайди.

Айрим давлатларда урбанизация умуман паст даражада бўлиб, бу асосан яшаш имкониятларининг бирмунча барқарорлиги, демографик вазиятнинг хавфли эмаслиги билан боғлиқ. Масалан, Бурунди ва

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. - Т.: «Ўзбекистон», 1998. – 470-б

Мавританияда аҳоли пойтахтда эмас, аксинча, тоғли зоналарда кўпчиликни ташкил этади.

1980 йилларда энг кучли урбанизация Жибутида – 76%, ЖАРда – 51%, /арбий Африкада ўртача 24%, шарқий ҳудудларда 17%ни ташкил этди. Айрим давлатларда урбанизация умуман паст даражада Буркина-Фасода 9%, Лесото ва Руандада 5%, Бурундида бор-йўғи 3 % ни ташкил этди¹.

Умуман олганда, бундай муаммоларга тегишли фактларни кўплаб келтириш мумкин. Уларнинг фақат асосийларигина қайд этилди.

Африка ўйғонишининг тимсоли бўлган давлат раҳбарлари, зиёлилари, маърифатпарварлар, олимлар, ватанпарвар кучлар ва халқаро ташкилотлар сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий инқирозларни бартараф этиш, мавжуд муаммоларни адолатли ҳал қилишлари лозим эди. Бундан ташқари Африканинг ривожланишига қаршилик қилаётган АҚШ ва Европа давлатларининг неоколонистик сиёсатига қарши курашиш зарурияти ҳам уларни фақатгина бирлашишга даъват этди. Панафриканизм йўналиши кучайди.

1945 йил октябр ойида Манчестрда V-панафрика ҳаракатларининг конгресси бўлиб ўтди. Конгресс миллий озодлик ҳаракатларининг янги босқичи арафасида ишлади. Унда қитъа халқларининг мустақиллигини таъминлаш, мустамлакачилик системасига барҳам бериш масаласи ва бошқа муаммоларнинг ечими ахтарилди. Конгрессда атоқли арбоблар, олимлар: Квалия Инрума, Исомо Кениата, Хастингс Банда, ЖАР ёзувчиси Питер Абрахамаслар иштирок этдилар.

Конгрессда муҳим резолюциялар қабул қилинди. «Мустамлакачи давлатларга даъват», «БМТга меморандум» ва ҳ.к. Мана шундай панафрика конгресслари мустақиллик учун курашларни жонлантириб, бирдамликни мустаҳкамлаб борди.

¹ Балезин А.С., Грошков Е.А. История Тропической и Южной Африки. - М.: «Наука», 1989. – 61-6

Африкани инқироздан олиб чиқиш, халқаро майдонда муносиб ўрнини топишини таъминлаш учун курашиш жараёнида илғор ватанпарвар партиялар, давлат раҳбарларининг хизматлари катта бўлди. Жамол Абдул Носир, Аҳмад Бин Белла, Муаммар Каддафи, Патрис Лумумба, Л. Каила, Агостиньо Нето, Нельсон Мандела, Хусни Муборак... бундай номларни яна ҳам давом эттириш мумкин.

1946 йилда Бомакда тузилган Демократик Африка бирдамлиги, 1948 йилда Шимолий Родезияда ташкил топган Африка миллий Конгресси, 1963 йилда ҳудудий муаммоларни бартараф этиш учун ташкил этилган Африка бирлиги ташкилоти, шунингдек, Афро-Малага иттифоқи, Шарқий Африка иқтисодий ҳамжамияти каби минтақавий ташкилотлар тараққиёт ва хавфсизликка таҳдид солаётган муаммоларни бартараф этиш учун қўшилмаслик ҳаракати, Варшава шартномаси, 1953 йилда таъсис этилган ва Африканинг 42 давлати аъзо бўлган БМТнинг Африка учун иқтисодий Комиссияси, Араб давлатлари Лигаси, ОПЕК ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда фаолият олиб боришди.

Дунё халқларининг мустақиллигини ҳимоя қилиш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини таъминлаш, хавфсизликни кафолатлаш учун халқаро декларациялар, ҳужжатлар, Африкага ҳам қўлланилди. Африка халқлари 1960 йилги БМТнинг «Мустамлака халқларга мустақиллик бериш», 1970 йилги «Халқаро ҳуқуқ тамойиллари ҳақидаги декларация»га, 1966 йилги «Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро Пакт», 1974 йилги «Давлатларнинг иқтисодий ҳуқуқлари ва мажбуриятлари», 1981 йил АБТ нинг «Инсонлар ва халқлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Африка хартияси» каби халқаро ҳужжатларга қўшилдилар¹.

Сиёсий, этник, ҳудудий урушлар, расизм, шунингдек, совуқ уруш даврида қитъада геополитик ўйинларнинг авж олиши, тез-тез содир

¹ <http://un.org> sayt. Причины конфликтов и содействия прочного мира и устойчивого развития в Африке. Доклад Генерального Секретаря. 1998. – с.5.

бўладиган ҳарбий тўнтаришлар, бошқарув тизимларининг ўзгариши, иқтисодий ва ижтимоий танглик, саводсизлик халқаро декларацияларнинг ижросини бажарилишига йўл қўймади.

Бундан ташқари, Африкадаги Англия ва Франциянинг мулклари собиқ метрополияларнинг ҳамкорлик кенгашига аъзо сифатида улар билан иттифоқчиликни сақлаб қолиб, саноат, қишлоқ хўжалиги, илм-фанни модернизациялаш йўлидан; айрим ҳолларда эса советча модернизация йўлидан бордилар. Африкани қолоқликдан олиб чиқишнинг бош шарти енгил ва оғир саноат, қишлоқ хўжалиги, илм ва фанни ривожлантириш вазифаси бўлиб, буларсиз Африка қарам ҳолатда қолаверади.

Африкани индустрлаштириш, фанни ривожлантириш, ўз-ўзидан осонгина бўладиган иш эмас эди. Ишлаб чиқариш, молиявий ҳаётнинг асосий бўғинлари чет давлатлар монополиялари, банклари таъсирида эди. Замонавий ишлаб чиқаришни йўлга қўядиган кадрлар етишмас, давлатлар ички ҳудудларида тараққиёт умуман нотекис бўлиб, айрим ҳудудлар умуман қолоқ, экологик вазият оғир, иқтисодий манфаатлар йўлидаги ички ва ташқи урушлар авж олган оғир вазиятда Африка иқтисодиётни, илм-фан ва маданият, маънавият, маиший соҳаларни ривожлантириш йўлидан борди. Африка давлатлари ўз мустақилликларининг илк даврида қисман ривожланган саноатни, анъанавий ишлаб чиқаришни (асосан, қишлоқ хўжалигини) ривожлантириш йўлидан бордилар.

/арб давлатларининг иқтисодий, молиявий соҳаларда ҳукмронлигига зарба бериш учун биринчи навбатда аксарият Африка давлатлари йирик ва чет эл мулкларини национализация қилдилар. Давлат иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни бирмунча адолатли ҳал қилиш учун ҳам жамият ҳаётининг барча жабҳаларида ўз назоратини ўрнатди.

Бундай ислохотларни амалга оширган давлатлар Миср Араб Республикасида Жамол Абдул Носир (1952-1970) даврида, Жазоирда, 1960 йиллар Зоирда, 1970 йиллар Нигерияда, Зимбабведа Р. Мугабе ҳукумати 1983

йилда бошлади. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Катта аҳамиятга эга бўлган мулклар давлат ҳомийлигида ривожлантирилди.

Марказдан бошқарилувчи, давлат сектори кучли бўлган режали иқтисодиёт шароитида ҳам ўзига хос ютуқларга эришилди. Мисрда дастлабки уч йилликда 150 та йирик саноат объекти ишга туширилди. Жазоир асосий бойлиги ҳисобланган нефть ва газни чет эл таъсиридан қутқарди. 1970 йилларга келиб нефть қазиб олишнинг 80%, нефтни қайта ишловчи соҳанинг 80%, газ саноатининг 100% и давлат секторига ўтди. 1978 йилда Жазоир 57 млн. тонна нефть ишлаб чиқарди. 1971 йилда Жазоир нефть ва газ экспортида 300 млн. доллар даромад қилган бўлса, 1980 йилга келиб бу кўрсаткич 12,4 млрд. долларгача етди. 1971-1977 йилларда 230 та саноат корхонаси, 130 дан ортиқ йўллар ва каналлар қурилди¹.

Марокашда тоғ-кон саноати ривожлантирилди. Ялпи миллий маҳсулотнинг 24 % тоғ-кон саноатига тегишли эди.

Шу жамладан, бошқа давлатларда ҳам ўсиш кузатлди. Зоир 1960 йилларда асосий бойликлардан бири ҳисобланган олмос ишлаб чиқаришни йўлга қўйди². 1980 йилларнинг охирида Зимбабве олтин, хром, асбест, никель, литий ишлаб чиқариш бўйича етакчилардан бирига айланди³.

Албатта бу ютуқлар АҚШ, Европа мамлакатлари ва Совет Иттифоқи фан-техника ютуқларини жорий қилиш орқали янада мустаҳкамланди. Йирик электростанциялар, автомобиль заводлари, тўғонлар, фабрикалар, тоғ-кон саноатини қайта ишловчи корхоналар, ҳарбий саноат, транспорт /арбий Европа, АҚШ ва Совет Иттифоқи каби давлатлар билан ҳамкорликда бунёд этилди.

Сиёсий беқарорлик, жаҳон иқтисодий инқирозлари ва ривожланган давлатларнинг Африка хом ашёсига талабининг кескин пасайиши каби тарихий жараёнлар иқтисодий ўсишга тўсқинлик қилиб келди.

¹ Аргентов В.А. Алжир на новом пути. - М., 1982. —с. 32-33

² Республика Заир. Справочник. - М., 1984. —с. 110

³ Республика Зимбабве. Справочник. - М., 1989. —с. 147

Африка жамияти тарихий қонуниятдан келиб чиқиб, қийинчиликлар билан бўлса-да, бозор иқтисодиётига ўта бошлади. Иқтисодиётни либераллаштириш давр талаби эди. Чунки иқтисодиётни модернизацияси учун аввало уни эркинлаштириш, чет эл сармояси, технологияси кириб келишига имкон бериш, иқтисодий ўсишга хусусий секторни жорий этиш ва аҳолининг интеллектуал ва молиявий имкониятларидан фойдаланиш ва шу орқали ижтимоий муаммолар: ишсизлик, қашшоқлик, очарчилик ва бошқаларни ҳал қилиш учун либерал ислохотларни амалга ошириш ривожланган давлатлар тажрибасида энг яхши синовдан ўтган йўл сифатида эътироф этилган эди.

Бозор иқтисодиётига ўтиш давлатнинг кучли назорати остида бўлди. Иқтисодиётни бирданига эркинлаштириш бу ерда ривожланган давлатлар таъсирига яна қайтадан тушиб қолишни билдирарди.

Масалан, Миср Президенти Анвар Садатнинг иқтисодиётни либераллаштириш ва йирик давлатларга ҳар томонлама имтиёзлар бергани Мисрнинг энг йирик қарздор давлатга айлантирди. Бундай ҳолатни Мобуту диктатураси даврида Зоирда ва бошқа ҳарбий диктатураларнинг АҚШга, Европага эргашиш ва ўз эшикларини улар учун очиб, қарздорликни кучайтирганликларида ҳам кўриниши мумкин¹.

1970 йиллардаёқ Миср, Сурия, Жазоирда қишлоқ хўжалигидаги соҳалардан ташқаридаги ишлаб чиқаришда хусусийлаштириш бошланди. Давлатни иқтисодиётга аралашуви чекланди. Нефть ишлаб чиқариш, экспорт, ишчи кучининг миграцияси кучайди. Мағриб ва Африканинг бошқа давлатларида ички бозорнинг торлиги, аҳоли харид қувватининг пастлиги интеграция жараёнини заифлаштириб қўйганди. қитъа дунёдаги интеграцион жараёнлар энг суст бўлган минтақага айланди. Африкада интеграциянинг фаоллашуви бозор иқтисодиётининг самарали ривожланишига боғлиқ эди.

¹ Сандровская Л.И. Проблемы промышленного развития стран Африки. - М., 1986. –с. 121

Мисрда 1982-1987 йилларда хусусийлаштиришни ривожлантириш учун 3,6 млрд. доллар маблағ ажратилди¹.

1980 йилларда ҳам аксарият Африка давлатлари хусусийлаштириш, иқтисодий ривожлантиришга, чет эл компаниялари, банклари хизматида ҳамкорликда фойдаланишни йўлга қўйса-да, давлат сектори нафақат энг муҳим аҳамиятга эга бўлган соҳаларда, балки бошқа соҳаларда ҳам сақланиб қолди. 1980 йиллар ўрталарида Конгода саноат ишлаб чиқаришда давлат сектори 22 %, электроэнергия соҳасининг 100%и давлат секторига қарашли эди. Шу даврда Эфиопияда нефть ишлаб чиқаришнинг 87%и Мозамбикда оғир саноатнинг 70%и Мисрда саноатнинг 50%и, давлат секторига қарашли бўлиб, 75% ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқарилган².

Марокашда давлат сектори бугунги кунда ҳам кучли бўлиб, ишлаб чиқаришга жорий этилган сармоянинг 39%ни давлат берган. Камерунда темир йўл транспортининг 75%, фуқаролик авиациясига сарфланган сармоянинг 70%, энергетикага сарфланган сармоянинг 60% давлатга қарашли эди. Бу жараён аввало энг муҳим аҳамиятга эга бўлган соҳаларнинг давлат ҳимоясида бўлиши ва чет эл таъсиридан ҳимояланишни билдирса, иккинчи томондан Африкада бундай соҳаларни хусусий молиялаштиришга имконияти етадиган сармоядорларнинг ниҳоятда озлиги билан ифодаланади.

Хусусийлаштириш Африканинг араб давлатларида тараққий этиб, 1975 йилда хусусий сектор 25%ни ташкил этган бўлса, 2000 йилда 79,4% ташкил этди³. Иқтисодий ҳомийлик қилишга давлатнинг имкониятлари пасайиб бораётганлиги сабаби ҳам хусусий қўлларга топширила бошланди.

Африкада демографиянинг юқорилиги ҳар доим ишсизлик ва ижтимоий муаммоларни кукчайтиради. Бу ҳол ўзига хос «оилаларни

¹ Зиядуллаева Л.С. Частный сектор в экономике Арабского Востока. // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. 2005. № 3-4

² Сайлау Батырша-Ула. Проблемы индустриализации в странах Африки. - М.: «Знание», 1987. с. 40-41б.

³ Ткаченко А.А. Некоторые факторы развития частного сектора экономики в странах Северной Африки. // Страны Северной Африки: национальный частный сектор. - М., 1990. —с.43

режалаштириш» ишлари остида туғилишни чекловчи демографик сиёсат олиб боришга мажбур этди. Бундай сиёсатни энг номдор маркази Ботсвана бўлиб, 1970-1973, 1973-1978, 1978-1985 йилларда демографик сиёсат олиб борилди. Бундай сиёсат 1979-1983 йилларда ва 80-йиллар ўрталариди Кения, Лесото, Нигерия, Сьерра-Леоне, Сомали, Судан, Замбия, Зимбабве, Зоир давлатларида ҳам амалга оширилиб, аҳоли миқдори учун эмас, аксинча сифати учун курашиш бош мақсад деб эълон қилинди. Африкадаги бугунги хусусийлаштириш жараёни ҳам демографияга мос эмас. Бугунги кунда фақатгина Ливияда давлат секторининг кучли роли сақланиб қолган.

Африка давлатлари иқтисодиёти қисман модернизация бўлсада, аксарият мамлакатлар инқирозлардан тўла чиқа олмади. Бунинг яна бир сабаби йирик давлатлар ва Африка давлатлари ўртасидаги муносабатларда тенгликнинг йўқлиги бўлиб, бу кўпроқ йирик давлатлар фойдасига хизмат қилди. Ишлаб чиқаришни заифлиги, малакали кадрларнинг етишмаслиги, иқтисодиётни ривожлантириш учун зарур маблағларнинг чекланганлиги учун Африка давлатлари йирик давлатлар, монополиялар, ташкилотлар ёрдамидан фойдаланиб, уларнинг таъсирига тушиб қолди. Табиийки, бу қитъага киритилаётган технологиялар, лойиҳалар, ишчи кадрлар ниҳоятда қиммат эди. Берилаётган қарзлар фоизи ўсиб борди. Арзон хом ашё сотаётган Африка давлатларининг миллий даромади бундай максимал нархларни кўтара олмади.

Аксарият мамлакатлар аграр ва хом ашё базаси сифатидаги мавқеини ижобий томонига ўзгартира олмади. Йирик давлатлар ҳам Африканинг ўзларига қарам бўлган хом ашё базаси сифатида сақланишдан манфаатдор эдилар.

1980 йиллар бошида қитъа саноатни қайта ишлаш тармоғининг 80%и чет эл монополиялари таъсирига тушиб қолди. Африканинг АҚШга, /арбга эргашиши унча кутилган натижа бермади. Бундай шароитда Африка экспорт қилаётган хом ашёга нархни ривожланган давлатларнинг белгилаши аҳволни

янада оғирлаштирди. 1970 йиллар охири, 1980 йиллар бошидаги жаҳон иқтисодиёти инқирозида нефть, газ ва бошқа хом ашёларга талабнинг кескин пасайиши қашшоқликни мустаҳкамлади.

1986 йилда Марокашнинг ташқи қарзлари 12 млрд. долларга етди. Шу йили Мисрнинг қарзлари 30 млрд. долларга бориб етди. Зоирда бундай кўрматкич 5 млрд. доллар бўлиб, у Марказий Африкадаги энг қарздор давлатга айланди. Миллий саноатни қисман бўлсада оёққа турғизишга муваффақ бўлган Африка давлатлари ривожланган давлатлар билан ҳамкорлик қилиб, айрим томонлардан ютқазилган кўра тараққиёт даражаси бир-бирига яқин бўлган кўшни давлатлар билан интеграциялашувга катта аҳамият бера бошлади. Умуафрика бозорининг шаклланиши, муаммоларни ҳал қилиши, тараққиёт имкониятларидан унумли фойдаланиши иқтисодий мустақилликка эришиши учун иқтисодий соҳада интеграция юз берди.

1987 йил таркибида нефть экспорт қилувчи давлатлар: Ангола, Жазоир, Ливия, Бенин, Габон, Камерун, Нигерия, Конго аъзо бўлган «Африка мамлакатлари ассоциацияси» ташкил топди. Малакали кадрлар тайёрлаш, ишлаб чиқаришни ҳамкорликда модернизациялаш унинг аъзоларининг бош мақсади бўлиб, барча ҳаракатлар шу мезондан келиб чиқди. Бундай интеграция ва ўз навбатида йирик магистраллар қурилиши Марокаш, Сенегал, Кот’д Ивуар, Камерун, Чад, Марказий Африка Республикалари ўртасида ҳам ривожланиб борди.

XX асрнинг 90 йиллари ва XXI аср арафасида Африка қитъасидаги давлатлар траққиёти бир-биридан кескин фарқ қиларди. Шимолий Африкадаги Араб давлатлари араб дунёси билан интеграцияга кириши, нефть ва бошқа хом ашёларни экспорт қилувчи бирмунча барқарор ривожланаётган давлатлар эди. Нигерия, Мадагаскар, Мавритания, Зимбабве, Жанубий Африка Республикаси ҳам ривожланаётган давлатлар сифатида жаҳон бозорида ўз мавқеига эга бўлди. ЖАР йиллик даромади аҳолига нисбатан ҳисоблаганда 3310 доллардан тўғри келса, Тропик Африканинг аҳволи оғир

мамлакатдаги одамлар кундалик эҳтиёжларини қоплаш учун харажатлари бир долларга ҳам етмасди. Ангола, Судан, Зоир, Эфиопия, Сомали, Руанда ва бошқа давлатларда ички урушлар минтақавий вазиятга ҳам салбий таъсир кўрсатди.

қитъа йирик давлатларнинг қурол-яроғ экспорт қиладиган базасига айланди. 1990 йиллар ўрталарида қитъага кўрсатилаётган ёрдамлар ўртача 11 млрд. долларни ташкил этса, ҳарбий соҳага ажратилган маблағлар 12 млрд. долларни ташкил этди. Урушга, қуролланишга катта миқдордаги маблағларнинг ажратилиши ҳам қолоқ Африка учун яна бир танглик белгисидир, йирик давлатларнинг қурол сотиши урушларнинг давомийлигини таъминламоқда. Глобаллашув даврида Африка трансмиллий жинойтчилик, қурол-яроғ контрабандаси, коррупция, геосиёсий ўйинлар авжланган минтақалиги туфайли кўп қутбли дунё шароитида ядро қуролига эга давлатларнинг «атом дипломатияси»дан ҳимояланиш, уларнинг суверенитетини қонуний дахлсизлигига эришиш учун 1996 йил апрелда қоҳирада «Африка ядросиз зона» деб эълон қилинган муҳим халқаро ҳужжатни қабул қилдилар¹.

XX асрнинг икинчи ярмида Африка тарихини таҳлил қилиш орқали шу нарса маълум бўладики, қитъада бирдамлик, ҳамжиҳатлик ниҳоятда суст даражада, аксинча, келишмовчиликлар ички ва ташқи омиллар таъсирида кучайиб кетган. Шунинг учун ҳам қитъа тараққиётини ва хавфсизлигини таъминлашга доир бўлган барча минтақавий ва халқаро резолюция, декларация ва ҳужжатларнинг аксарияти амалга ошмади. Ҳозирги кунда БМТ, халқаро ташкилотлар, донор давлатлар Африкадаги муммоларни ҳал қилиш учун БМТнинг узок муддатга мўлжалланган «Африка билан бирдамлик» дастурига асосан зарур чора-тадбирларни амалга оширмоқда. БМТнинг XX асрдаги дунё манзарасига оид ҳисоботи Африкадаги аҳвол энг аянчли эканлигидан далолат берида. Бу қуйидаги фактларда намоён бўлади.

¹ Смирнов М. Африка на пороге нового века. // Азия и Африка сегодня. 2000. № 1. – с.37

Дунёдаги энг кўп камбағал Саҳрои Кабирдан жанубда бўлиб, аҳолининг 46,3 % камбағал. Камбағаллик туфайли ОИТС кенг тарқалган. Дунёда тарқалган ОИТСнинг 70% Африкада. ОИТС туфайли 2010 йилга бориб қитъада 40 миллион бола етим қолиши мумкин¹.

Бундан ташқари, дунёдаги энг кўп қочоқлар ҳам Африкада. Руандада 1994 йил Буюк қўллар ҳудудидаги бўҳронлар пайтида 1,7 миллион қочоққа ёрдам берилди. Либерияда 500 минг, Мозамбикда 400 мингга яқин қочоқ, Анголада аҳолининг 20% урушлар туфайли қочоқлар оқимига мансуб бўлди.

Ҳозирги пайтда Африка давлатлари йиллик фоизлар ҳисобига ошган ташқи қарзларни қоплаш учун йиллик экспортнинг ўртача 14% даромадини ажратишга мажбур бўлмоқда. Келажакда қитъа аҳолини енгиллаштириш, бўҳронлардан олиб чиқиш учун 170 млрд. долларлик қарздан воз кечиш кўзда тутилган. Лекин уни амалга ошириш ниҳоятда қийин.

Энг кўп болалар ўлими ва энг кўп болаларни урушга жалб этиш жараёни ҳам Африкага тегишли². Бу муаммоларнинг самарали ижобий ҳал қилиш биринчи навбатда Африка давлатлари, жамиятлари янгича фикрлаш, ҳамкорликда янгича ҳаракатланишига, шунингдек, халқаро майдонда ҳам илғор кучларнинг ҳаракатларнинг самарадорлигига боғлиқдир.

5. Африка сиёсий харитасида янги давлатлар.

¹ Мингйиллик маърузаси. Т., 2003, 14-6

² Мингйиллик маърузаси. Т., 2003, 54-6

Узоқ вақт мустамлака бўлиб келган, этник жиҳатдан мураккаб Африкада иккинчи жаҳон урушидан кейин бошланган миллий-озодлик ҳаракатлари натижасида кўпгина янги мустақил давлатлар пайдо бўлди. Бу этник миллий ўзликни англаш, миллий уйғониш билан бир пайтда содир бўлди. Янги давлатларнинг пайдо бўлиши халқаро ҳаётни ўзгартириб юборди. Африкадаги янги мустақил давлатларнинг аксарияти олдиндан мустамлака бўлиб келган бўлса, айрим янги давлатлар айнан шу мустамлака ҳудудидан ажралиб чиққан этник жиҳатларига асосланган давлатлар сифатида пайдо бўлди.

Бундай давлатлар асосан Тропик ва Жанубий Африкада қарор топди. Бунинг асосий сабаби шундаки, бу ҳудудларда бир биридан кескин фарқланиувчи тил, маданиятга эга бўлган халқлар, ирқлар мавжудлиги, уларнинг ўз соф давлатларини тузишга ҳаракат қилиши, сепаратизм, трайбализм ҳодисалари билан, шунингдек собиқ метрополияларнинг колония характеридаги федерация, иттифоқ ва маъмурий идораларидан ажралиб чиқиш ҳаракатлари билан боғлиқ. қолаверса, бу ерда азалдан яхлит миллат бўлиб шаклланиш жараёни суст кечган, шунингдек патрирхал, уруғчилик муносабатларининг қатъийлиги туфайли марказлашган давлат ва миллий бирлашиш ниҳоятда қийин эди. Аҳолисининг асосий қисмини мусулмонлар ташкил этган Шимолий Африка ва ўнга қўшни мусулмон давлатларида, араб тили, маданияти, ислом дини уларда миллий бирдамликни мустаҳкамлаш учун, бу ерда этник сепаратизм Тропик ва Жанубий Африкадагидек хавфли эмас, қолаверса, Шимолий Африка халқлари қадимги давр ва ўрта асрлардаёқ ўзларининг марказлашган давлатларига эга бўлиб келган эди. Африкадаги этник жиҳатларга асосланган янги давлатлар қуйидагилар: Малави, Эритрея, Конго Демократик Республикаси, Намибия, Зимбабве, Марказий Африка Республикаси, Сенегал, Танзания каби давлатлар.

Асосий аҳолиси Малави, Макула, Яолар бўлган Малави Республикаси 1964 йил 6 июлда Буюк Британиянинг Родезия-Ньясаленд Федерациясидан чиқди. Шу йили федерация ҳам тарқаб кетди. Родезия ўрнида Бемба, Тонга, Лози, Луида халқларнинг бирлашмаси бўлган Замбия Республикаси мустақиллиги 1964 йил 24 октябрда эълон қилинди. Бу икки мустақил давлатнинг ривожланиши осон кечгани йўқ. Чунки бу давлатлар ЖАР ирқчилик режими ва унинг иттифоқчилари бўлган АҚШ, Европа давлатларини неокOLONиалистик сиёсатига дучор бўлиб келдилар. Африкани осон бошқариш, ички этник зиддиятларни сақлаб қолишнинг ифодаси бўлган муштамлакачиларнинг этник маъмурий бирликлари парчаланишида давом этди. Чунки бу метрополиялар манфаатига жавоб бериш билан бирга, асрлар оша этник шаклланган жараёнларнинг умуман бузиб юборган эди. Айниқса бу ҳол Франция ҳукуматининг жуда кўп халқларидан ташкил топган Судан, Сенегал, Малини, Мали Федерациясига бирлаштиришида яққол намоён бўлди. Бу мазкур учта давлатдаги энг йирик халқлар Бамбара, Фульбе, Сенуфо, Мондинка, Вольф, Серер, Араблар, Динка, Бежа, Нуэрларни, яъни бир-биридан тили, эътиқоди, маданияти жиҳатидан кескин фарқланадиган халқларни бирлаштириш сиёсати эди.

1959 йилда ташкил топган Судан, Мали, Сенегал халқлари Федерацияси 1960 йил августда Сенегалнинг мустақил бўлиши билан, 1964 йил 6 июлда Малининг мустақил бўлиши туфайли тарқалиб кетди. Банда, Гбайя, Занди халқлари ҳам Франция /арбий Африкаси системасида бўлиб, бу халқлар Убанги-Шари давлатига бирлаштирилиб, 1914 йилгача Чад орқали бошқарилиб келинди. Убанги-Шари халқлари 1960 йил 13 августда ўзларининг мустақил Марказий Африка Республикасини эълон қилди.

1964 йил апрелда ташкил топган Танзания бирлашган Республикаси Танъганика, Занзибар, Пемба республикаларининг бирлашувидан иборат эди. Нъмвези, Сукума, Суахали, Маконда, Кинга, Ньякьюса халқлари араблаштиришни тўхтатдилар.

Африка давлатларининг чегаралари колониял давлатлар томонидан ўрнатилган ва сунъий бўлганлиги туфайли янги мустақил давлатлар ташкил топиши 1980 йилларда ҳам давом этди. Бу жараён келажакда ҳам давом этиши мумкин. Намибия ва Зимбабве мана шундай давлатлардан бўлиб, ҳозирги кунда ривожланаётган давлатлар сирасига киради.

Намибия узоқ вақит ЖАР таркибида бўлиб, мустақилликка чиқишга ЖАР, АҚШ каби давлатлар қаршилиқ қилиб келди. БМТ маҳаллий аҳоли Бантулар, Готтентотлар, Бушменлар, Дамараларнинг курашларини фаол қўллаб-қувватлади. 1967 йилдан БМТ бу ерни Жанубий-/арбий Африка сифатида бошқариб борди. Миллий озодлик ҳаракатига 1960 йилда тузилган Жанубий-/арбий Африка иттифоқи сиёсий-ҳарбий ташкилоти бошчилик қилиб келди¹. ЖАРда ирқчилик режими кулагач, 1990 йилнинг 21 мартида Намибия мустақил республика деб эълон қилинди. Аҳолининг 7%и европаликлар бўлишига қарамай, давлат тили деб инглиз тили топилди. Урбанизация 25% бўлиб, аҳолининг 90%и христианликка эътиқод қилади. Президент Сем Нуйома ҳукуматининг иқтисодий, аграр ислохотлари туфайли Намибия кончилик ривожланган аграр давлатга айланди. Ялпи ички маҳсулотда кончилик 21%, балиқчилик 15,4%, қайта ишлаш саноати 6,2%ни ташкил қилади. 1990 йилларда йилига 800 000 карат олмос, 1 600 кг. Олтин, 90 тоннадан ортиқ кумуш, 72 минг тонна руҳ, 33 минг тонна мис қазиб олинди. Металлургия ривожланди. Йилига ўртача 1 млрд. кВт соат электр энергия ҳосил қилади. Намибия миллий маҳсулотларнинг 80%ни экспорт қилади. Пул бирлиги Намибия доллари бўлиб, ЖАР, Буюк Британия, АҚШ билан фаол савдо алоқаларини олиб бормоқда.

Асосий аҳолиси Шона ва Матаберилар бўлган Зимбабве бугунги кунда қитъанинг энг ривожланган давлатларидандир. Собиқ Жанубий Родезия бўлган бу мамлакатнинг мустақил бўлишида оқ танли фермерларнинг роли катта бўлди. Бу ерда ҳам ЖАР ҳукуматидан мадад олган

¹ Балезин А.С.Грошков Е.А. История Тропической и Южной Африки. - М.: «Наука», 1989. –с. 336

Смит раҳбарлигидаги ирқчилик режими ҳукмронлик қиларди. 1980 йилга келиб унинг режими ағдарилгач, 18 апрелда халқ сайлови орқали Зимбабве республикаси ташкил топганлиги эълон қилинди¹.

1989 йил конституциясига ўзгартириш киритилиши натижасида Зимбабведа президент бошқа Африка мамлакатларидан фарқли равишда чекланмаган марта қайта сайланиши мумкин. Мамлакат 1991 йилдан бозор иқтисодиётига ўта бошлади. Давлат тили инглиз тили бўлиб, урбанизация даражаси 26,4%ни ташкил қилади. Бозор ислохотлари туфайли саноатнинг ялпи ички маҳсулотдаги ҳиссаси 33%га етди. қишлоқ хўжалигининг ҳиссаси 19,5%ни ташкил этди. Саноатининг асоси кончилик бўлиб, металлургия, химия, автомобиль йиғув кончилик билан боғлиқ ҳолда ривожланмоқда. Зимбабве 90% маҳсулотини экспорт қилиб, бу борада қитъада етакчилик қилади. Бугунги кунда унинг асосий савдо шериклари АҚШ, Буюк Британия, ЖАР, Германия, Италия ва Япония давлатлари ҳисобланади.

1990 йилларда пайдо бўлган Конго Демократик Руспубликаси ва Эфиопиядан ажралиб чиққан яна бир давлат Эритрея Намибия, Зимбабве каби ривожланиш даражасида эмас. Узоқ вақт мустақил давлат бўлиш учун олиб борилган урушлар бу мамлакатларнинг тараққиётига салбий таъсир кўрсатувчи асоратларни қолдириб кетди.

Узоқ вақти Эфиопиядан мустақил бўлиш учун кураш олиб борган ва Араб давлатлари томонидан қўллаб-қувватланган, бунинг натижасида 1993 йилнинг 24 майида мустақил республика деб эълон қилинган Эритреяда Эфиопия билан можароларни сақланиб қолди.

Араблар, тигре, афар, сахо каби йирик халқларнинг Эфиопияга нисбатан сепаратистик кайфияти ифодаси бўлган янги давлат қолақ гарар давлат эди. ялпи ички маҳсулотда саноат 12,3%, қишлоқ хўжалиги 8,4% нисбатга эга. Ишга яроқли аҳолининг 80%и қишлоқ хўжалиги билан банд. Эритрея олтин, цемент, нефть, мис, темир рудаси, никель, хром, титан каби

¹ Республика Зимбабве. Справочник. - М., 1985. – С.53

табiiй бойликларни хом ашё сифатида экспорт қилади. Бу ерда индустриализация суст бўлганлиги учун урбанизация ҳам паст даражада – 13% бўлиб қолди.

Жуда катта олмос, мис, қалай, руҳ ва бошқа тараққиёт учун зарур имкониятларга бой бўлган собиқ Зоир Республикаси Мобуту ҳарбий диктатураси (1965-1997) даврида /арб давлатларига ўз эшикларини очиб берди. Натижада мамлакат миллий бойликларининг кўп қисми ташиб кетилди. Коррупция, порахўрлик, репрессиялар, сепаратизм кучайди.

Мобуту режими 1997 йилда Лаурент Кабила раҳбарлигидаги демократ ватнпарвар кучлар томонидан олиб ташланди. Мамлакат янги ном – Конго Демократик Республикаси билан дунёга ўзини таништирди. Кабила даврида коррупция, уюшган жиноятчиликка барҳам берилди. Инфляция даражаси 10%га камайди. АҚШ, Руанда, Угандадаги АҚШ билан яқин алоқада бўлган доираларнинг табiiй захираларга бой Конгони заифлаштириш, хом ашё базаси сифатида сақлаб қолиш учун Мобуту режимида ўхшаган бошқарув тизимини ўрнатиш баҳонасида, Конгода демократик тамойиллар устун бўлиши баҳонасида 1999 йилгача КДРга қарши ҳарбий ҳаракатларни олиб бориб, бу ердаги тангликни янада кучайтирдилар.

1999 йил 9 апрелдан Конго хавфсизлиги билан БМТ шуғуллана бошлагач, вазият бир оз бўлса-да юмшашига қарамай, уруш асоратлари, Мобуту диктатураси ноўрин сиёсатининг салбий оқибатларини бартараф этиш қийин кечмоқда¹.

Умуман олганда, бугунги кунда қитъадаги аксарият давлатлар қолюқлигига бош сабаб ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ҳаётда қолюқ анъаналарнинг ҳукмронлиги ва мумтамлакачилик сиёсати эди. Африка давлатлари қолюқлигини бартараф этиш, ҳар томонлама ривожланиш,

¹ INTERNET: www.marx-journal. Мартенс Л. Народ Конго во главе с Л.Д. Кабилой в борьбе за независимость и социальные преобразования. - 2005. –с.12

муаммоларни ҳал қилиш учун XX аср иккинчи ярмида интеграцияни янада мустаҳкамлади. Натижада Араб Мағриби Иттифоқи, ОПЕК, Марказий Африка божхона ва иқтисодий Иттифоқи, /арбий Африка иқтисодий ҳамжамияти, Африка давлатларининг иқтисодий комиссияси шулар жумласидандир.

Уруш, адолатсизлик, ғайриинсоний воқелиklar, муаммолардан ҳаддан кўп азият чеккан Африка жамияти тинчлик, тараққиёт йўлидаги ҳаракатларни фаол қўллаб-қувватловчи бўғиндир. 1997 йил халқаро таҳлилчилар Африка сиёсатчиларидан учтасини: БМТ бош котиби Кофи Аннан, ЖАР Президенти, Нобель мукофоти соҳиби Нельсон Мандела ва Миср Президенти Хусни Муборакларни қитъа номидан иш олиб борувчи энг фаол сиёсатчилар деб эътироф этдилар. Африканинг янги авлоди келажакда ўз қитъаси тараққиёти, хавфсизлиги ва халқаро нуфузини кўтариш учун мана шу учта сиёсатчи ва шу каби илғор арбоблар ишларини давом эттиришлари керак.

6. Ўзбекистон ва Африка.

Мустақил Ўзбекистон ва Африка мамлакатлари ўртасидаги алоқалар тарихий давом этмоқда. Буюк ипак йўлидаги халқаро савдо алоқалари натижасида, бизнинг карвонларимиз Шимолий Африкага бўлган ҳудудларга кириб бориб, савдо-сотиқ ишларини олиб борган.

Ислом динининг вужудга келиши, Араб халифалиги орқали Мағрибдан Ўрта Осиёгача бўлган халқларнинг араб тили ва ёзувини, ислом маданиятини қабул қилишлари натижасида маданий, маърифий алоқалардаги ютуқлар айирбошланди. Янги даврга келиб Осиё ва Африканинг мустанлақчилиги зулми остида қолиши натижасида анъанавий алоқалар барҳам топди. Чунки бу мамлакатлар ташқи сиёсати ҳам йирик давлатлар, метрополиялар манфаатларига мослаштирилди.

Собиқ Иттифок даврида Ўзбекистон мутахассислари Шимолий Африкадаги катта қурилишларда иштирок этдилар.

Мустақиллик даврида Ўзбекистоннинг Африка давлатлари билан алоқалари янада кучайиб, янги маъно ва мазмун касб эта бошлади. Ички ва ташқи сиёсати умуминсоний ҳуқуқ нормалари, адолат ва тинчликсеварликка асосланган Ўзбекистон Республикаси ўз фуқароларига муносиб турмуш даражасини яратиш учун иқтисодиётни, илм-фан, маданият, маиший соҳаларни ривожлантириш мақсадида жаҳон ҳамжамияти билан фаол ҳамкорилик алоқаларини боғламоқда. Бу ўз навбатида албатта минтақавий хавфсизликни таъминлашга ҳам хизмат қилади. Чунки ҳозирги глобаллашув замонида ҳар бир давлатнинг хавфсизлиги, ривожини халқаро аҳамиятга моликдир. Ўзининг тор қобиғига ўралиб, хотиржам яшаш мумкин эмас.

Республикамизда тараққиётнинг ўзбек моделига асосланиб илғор сиёсатнинг амалга оширилиши, турли жабҳалардаги ютуқлар ва ташқи сиёсатдаги фаоллик, шунингдек, замонавий дипломатия хизматининг шакллантирилиши, юртимизга келган хорижий фуқаролар, дипломатлар хавфсизлигининг таъминланиши, уларга барча қулайликлар, енгилликлар ва имтиёзларнинг яратиб берилиши жаҳон афкор оммаси томонидан муносиб баҳоланди.

Табиийки, бу Ўзбекистон билан ҳамкорликни ўрнатиш, кучайтиришга бўлган эҳтиёжларни янада ўсишига олиб келди.

Республикамизнинг бой табиий имкониятлари, кучли ижтимоий салоҳияти ҳам барча қитъалардаги давлатларда, жумладан, Африка давлатларида ҳам қизиқиш уйғотиши табиий ҳолдир.

Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ Африка давлатлари Ўзбекистонни эътироф этдилар. 1991 йилнинг 25 декабрида Намибия, 1992 йил 2 январиди Эфиопия, 6 январиди Бурунди, 14 январиди Бенин, 16 январиди Кобо-Верде, 17 январиди Экваториал Гвинея, 24 январиди Мали, 27 январиди Зимбабве, 11 мартда Нигерия, 4 апрелда Мадагаскар, 1993 йил 10 ноябрида Того давлатлари, Шимолий Африканинг ривожланаётган давлатлари мустақил Ўзбекистонни тан олдилар¹.

Ўзбекистон ва Африка давлатларидаги ҳамкорлик мазкур халқларнинг манфаатларига, ўзаро ҳурмат, тенглик тамойилларига асосланади.

Мустақил Ўзбекистон ва у билан дипломатик алоқаларни йўлга қўйган Африка мамлакатларининг энг янги даври тарихи бир-бирига жуда ўхшаш. Бу мамлакатлар бозор муносабатларига асосланган демократик жамият куриш йўлидан бормоқдалар. Дин ва давлат ўртасидаги муносабатларни, миллатлараро муносабатларни оқилона тартибга солиш, ташқи сиёсатда барча зиддиятларни тинч йўл билан ҳал қилиш, халқаро терроризм, наркобизнес ва бошқа турдаги уюшган жиноятчиликка қарши

¹ Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. - Т.: «ЎЗМЭ». –2000-2005 йиллар.

курашиш ҳар иккала томон учун ҳам бош вазифалардандир. Демак, ривожланаётган ҳамкорлик мазкур муаммоларни ҳал қилишга ҳам ўз ҳиссасини қўшади.

қолаверса, ўтиш даврини бошдан кечираётган Ўзбекистонни ва у билан ҳамкорлик қилаётган Африка давлатларини умумий муаммолар: демографик ўсиш, ишсизлик, экологик муаммолар, иқтисодий-ижтимоий муаммоларни бартараф этиш иккала томондан бу ҳодисаларга қарши кураш учун яқиндан ҳамкорлик қилишни талаб этади.

Ўзбекистоннинг Африка давлатлари билан сиёсий, иқтисодий, маданий алоқаларнинг энг катта қисми Шимолий Африкадаги араб давлатларига тўғри келади. Бу ҳамкорликнинг негизини фақатгина диний омиллар эмас, балки иқтисодий, сиёсий омиллар ҳам белгилайди¹.

Ўзбекистоннинг Африкадаги араб давлатлари билан ҳамкорлиги асосан Миср билан сиёсий, иқтисодий, маданий алоқаларнинг ривожланишида намоён бўлади. Миср Араб Республикаси билан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги дипломатик муносабатлар 1992 йил 23 январда йўлга қўйилди. Шу йили ҳукуматлараро турли соҳаларда 12 та шартнома имзоланди. Булар: ахборот алмашиш, савдо, бизнес соҳаларида, қишлоқ хўжалиги, ирригация, кадрлар тайёрлаш, илмий-маданий алоқалар ва бошқа соҳаларда ҳамкорлик қилиш бўйича имзоланган дипломатик ҳужжатлардир.

қоҳирадаги «Ал-Азҳар» университети Президентимиз И. Каримовни ислом динини диний фундаментализм, экстремизм ҳодисаларидан ҳимоя қилишдаги соғлом сиёсати учун, ислом дини бўйича олий ўқув юртларини ривожлантириш ва улар ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашдаги хизматлари учун «фахрий доктор» унвони билан тақдирлади. Ўзбекистоннинг Миср билан фан-техника, маданият, ишлаб чиқариш соҳаларидаги ҳамкорлиги юртимизга ривожланаётган давлат инвестицияси, ёқилғи, энергетика соҳасидаги ютуқларини жорий этиш, диний ва дунёвий

¹ Мунавваров З. Ўзбекистан и арабский мир: перспективы сотрудничества. - Т.: «Фан», 1997. – 15 - 6

фанлар ривожлантириш имконини беради. Бу ҳамкорлик анъанавий расмий ташрифлар орқали янада мустаҳкамланди.

Миср делегацияси, тарихчилари Амир Темурнинг 660 йиллик юбилейида Бухоро, Хиванинг 2500 йиллик юбилей тўйларида иштирок этдилар. Бугунги кунда Ўзбекистон ва Миср пахтачилик, қишлоқ хўжалиги машинасозлигини ривожлантириш, ирригация, мелиорация, фармацевтика, косметика соҳаларида ҳамкорлик олиб бормоқдалар. 1996 йилда икки мамлакат ўртасидаги маҳсулот айирбошлаш 5 000 000 АҚШ долларини ташкил этди¹.

Булардан ташқари, мустақил республикаимиз Жазоир давлати билан, 1993 йили 24 июнда Гвинея, 11 октябрда Марокаш, 28 октябрда Гана, 10 ноябрда Того, 1994 йил 1 февралда Замбия давлатлари билан дипломатик алоқалар ўрнатди.

Бу алоқалар ҳали керагича фаол босқичда эмас. Африканинг ривожланаётган давлатлари, айниқса, мусулмон давлатлари билан маданий, диний алоқалар, ЮНЕСКО, Ислом Олами Лигаси ва бошқа шу каби минтақавий ташкилотлар орқали йўлга қўйилган. Юртимизда диний илмлар ривожига улкан ҳисса қўшган аждодларимиз, улуғ бобокалонларимиз ва ҳадисшунослик илмига катта ҳисса қўшган олимлар, ҳадисшунослар юбилей тўйларида Африканинг мусулмон давлатларидаги тарихчилар, олимлар, дипломатлар иштирок этдилар. Умуман олганда, бу ҳамкорлик ҳар иккала томон тараққиётига хизмат қилади.

Юртимизда бозор иқтисодиёти, индустрлаш, урбанизация, модернизация жараёнларининг кучайиши келажакда ташқи алоқаларнинг Африка йўналиши ҳам ривожланишига имконият яратиб беради.

¹ Гиясов Б., Хасанов Э. Дипломатия Египта. - Т.: «Шарк», 2001. – с. 93

ХУЛОСА

Умуман олганда, иккинчи жаҳон урушидан кейин ва бугунги кунгача дунёнинг энг оғрикли нуқтаси Африка бўлиб қолмоқда. Колониал давлатларнинг муштамлакачилик сиёсати, ноўрин чегаралар сиёсати, этник, қабилавий зиддиятлар, жамиятда зиддиятларга ғарқ бўлган анъанавий дунёқараш, пессимизм, саводсизлик ва шу билан муштаҳкамланган трайбализм, шунингдек, экологик тангликлар, жамиятда бирдамликнинг заифлиги, ҳудудий, этник урушлар шундоқ ҳам қолоқ бўлган Африкани янада танг ҳолатга солиб қўйди.

Демографик вазият аҳволни янада оғирлаштирди. 1950-1989 йиллар Африка аҳолиси 164 000 000 кишидан 441 000 000 кишига ошди. Буларнинг ҳаммаси ижтимоий-сиёсий беқарорликка олиб келди. Инқилоблар ва давлат тўнтаришлари, фуқаролар урушлари ва давлатлараро можаролар Африка мамлакатларининг ўзига хос ҳолатига айланди.

Аҳолининг кескин ўсиши яшаш учун кураш, рақобатни ёввойи тус олишига олиб келди. Этнослар, ирқлар ўртасида ҳокимият, иқтисодиётни қўлга олиш учун курашлар авж олди. Руанда, ЖАР, Эфиопия, Ангола, Конго, Судан, Либерия давлатларида бу ҳолат яққол намоён бўлди.

Муаммоларни ҳал қилишда ҳар бир давлат ўз йўлини танлади. Ҳукукий, сиёсий дунёқараш, сиёсий маданиятнинг заифлиги туфайли, африкаликларнинг бирон бир сиёсий тузумга мослашиши қийин кечди. Муаммоларни ҳал қилиш учун улар турли сиёсий йўналишлардан боришга мажбур бўлдилар. Тараққиётнинг совет, /арб йўли, ислом йўли, ислом модернизацияси йўли ва бошқалар. Совуқ уруш даврида собиқ иттифоқ ва АҚШ нинг ўзларига мос режимларини қарор топтириш учун кураш сиёсий авантюраларни авжига чиқишига олиб келди. Урушдан кейин то XX асрнинг охирларигача Африкада 100 дан ортиқ ҳокимият тўнтаришлари бўлиб ўтди.

Сиёсий беқарорлик гоҳида совет йўлидан бориш, гоҳида /арб йўлидан бориш ислохотларнинг якунига боришга тўсқинлик қилиб, аҳволни янада оғирлаштирди.

Шунинг учун ҳам қитъа аҳоли турмуш даражаси энг паст, инсон умри энг қисқа, муаммолар энг кўп қитъа бўлиб қолаверди.

Фақатгина миллий бирлик кучли бўлган, ривожланаётган араб давлатлари билан фаол ҳамкорликни йўлга қўйган барқарор тараққиёт йўналишларини таъминлай олган (исломнинг совет ёки ғарб тараққиёти модели билан уйғунлашуви) Шимолий Африка ва Мағриб давлатлари бирмунча барқарор ривожланиш йўлидан боришди.

Миср Президенти Жамол Абдул Носир, Жазоир Президенти Аҳмад бин Белла (1962-1965), Ливия Президенти Муаммар Каддафи, Гана Президенти К. Нкрума (1960-1966), Анголанинг биринчи Президенти Агустино Нетолар социал сиёсат олиб бориб, иқтисодиётда хусусий сектор ва йирик давлатлар таъсирига зарба бериб, давлат секторини ўрнатиш ва шу орқали иқтисодий мустақилликка эришиш йўлидан бордилар. Бу ҳолат бошқаларга ҳам ўрнак бўлди.

Бироқ, иқтисодиётни национализация қилиш, чеклаш, давлат секторини жорий этиш ишлаб чиқариш, савдо-сотиқнинг эркин ривожланиш имкониятини биров чеклаган бўлса, иқтисодиётни ҳаддан ташқари эркинлаштириш, очиқ эшиклар сиёсати ривожланган давлатлар иқтисодий, молиявий сиртмоғига олиб келди.

қолоқ Африка давлатлари хом ашё экспорт қилувчи аграр давлатлар бўлганлиги туфайли, аксарият технологияларни қиммат нархлар билан АҚШ, Европа давлатларидан сотиб олиш эвазига қарздор давлатларга айланиб борди, Марказий ва Тропик Африка ва Жанубий Африка давлатларидаги тангликлар бугунги кунда ҳам давом этмоқда.

Африка давлатлари ижтимоий, иқтисодий, сиёсий муаммоларни ҳал қилиш, хавфсизликни таъминлаш, тараққиёт имкониятларида биргаликда фойдаланиш, иқтисодий мустақилликка эришиш учун интеграцияга киришиб, АБТ, Араб Мағриби Иттифоқи, Марказий Африка божхона ва иқтисодий иттифоқи, /арбий Африка иқтисодий ҳамжамияти, Африка давлатларининг иқтисодий комиссияси ва шунга ўхшаган араб давлатлари иттифокларига аъзо бўлдилар. Миср, нефть экспорт қилувчи давлатлар, Намибия, Зимбабве, ЖАР каби давлатлар бугунги кунда бозор иқтисодиёти ислохотлари бир мунча самара берган ва ривожланаётган давлатлар сирасига киради. Бу аввало, давлат ва жамият ўртасида бир-бирини тушуниш ва ҳамжиҳатлик билан боғлиқдир. Табиийки, бундай шароитда бу ерда ташқи дунёдан бўладиган таъсирлар ҳам ўз кучини йўқотади. Бунинг акси бўлган

тангликлар, урушлар давом этаётган Африка давлатлари ҳозирги глобаллашув даврида халқаро уюшган жиноятчилик, қурол-яроғ контрабандаси, наркобизнес, трансмиллий жиноятчилик коррупция авж олган марказлар ҳисобланади. Демак, бу давлатлар эски адоватлар, можароларни соғлом руҳда ҳал қилиши, янгича фикрлаш ва ҳаракат қилиши, қолоқликдан қутулиш учун қандайдир «махфий ҳомийлар» билан эмас, аксинча, илғор кучлар билан ҳамкорлик қилишлари зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т.: «Ўзбекистон», 1998.
2. Аргентов В.А. Алжир на новом пути. М., 1982
3. Ашукин И.С., Вебер А.Б. қисқача сиёсий Луғат. Т.: «Ўзбекистон», 1975.
4. Аюпов О.А. Энг янги тарих. Муаммоли маърузалар матни. – Гулистон, 2003.
5. Балезин А.С., Грошков Е.А. История Тропической и Южной Африки. М.: «Наука», 1989.
6. Брагинский М.И. Освобождение Африки. М.: «Наука», 1964.
7. Галкин И.С., Ерофеев Н.А. Новая история 1871-1917. М.: «Просвещение». 1984.
8. Гидденс Энтони. Социология. Т.: «Шарқ», 2002.
9. Гусенов К.А. Африка от колониализма к свободе. М.: «Наука», 1979.
10. Жданов Н.В., Игнатенко А.А. Ислам на пороге XXI века. М.: «Наука», 1989.
11. Идейнўе течения в Тропической Африке. М.: «Наука», 1969.
12. Левин З.И. Ислам и национализм в странах зарубежного Востока. М.: «Наука», 1988.
13. Магистрлик диссертацияси ҳақида методик кўрсатма. -Т., 2000.
14. Мингйиллик маърузаси. Т., 2003.

- 15.Нартов н.А. Геополитика. М.: «ЮНИТИ», 2000.
- 16.Празаускас А.А., Никольский Л.Б. Межэтнические конфликты в странах зарубежного Востока. М.: «Наука», 1991.
- 17.Республика Заир. Справочник. М., 1984.
- 18.Республика Зимбабве. Справочник. - М., 1985.
- 19.Сандровская Л.И. Проблемы промышленного развития стран Африки. - М., 1986.
- 20.Сайлау Батүрша-Ула. Проблемы индустриализации в странах Африки. М.: «Знание», 1987.
- 21.Семёнов В.Ф. История средних веков. –М.: «Просвещение», 1975.
- 22.Сиёсий партиялар. Справочник. Т.: «Ўзбекистон», 1988.
- 23.Страны мира. Энциклопедия для школьников. –М., 2003.
- 24.Хидоятлов Г.А., Гулямов Х.Г. Всемирная история. Новейший период Европы и США после второй мировой войны. - Т., 1999.
- 25.Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. –Т.: «Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси». 2000-2005 йиллар.
- 26.қаршибоев Х. Битирув малакавий ишлари бажариш ва ҳимоя қилишга доир услубий курсатмалар. –Гулистон, 2003.

Фойдаланилган матбуот материаллари рўйхати

1. Аваков Р. Колонизация и деколонизация: эволюция развивающегося мира. // Мировая экономика и международные отношения. 2000. № 9.
2. Зиядуллаева Л.С. Частный сектор в экономике Арабского Востока. // Узбекистонда ижтимоий фанлар. 2005. № 3-4
3. Сумбатян Ю. Армия вне политики. // Азия и Африка сегодня. 2000. №4.
4. Смирнов М. Африка на пороге нового века. // Азия и Африка сегодня. 2000. № 1.
5. Ткаченко А.А. Некоторые факторы развития частного сектора экономики в странах Северной Африки. // Страны Северной Африки: национальный частный сектор. - М., 1990.
6. Френкель М. Гражданская война в Либерии в 1989-1997гг // Мировая экономика и международные отношения . 2003, №4 .

ИНТЕРНЕТДАН ОЛИНГАН МАНБАЛАР РЎЙХАТИ

1. [http: / un sayt](http://un.org). Причинѣ конфликтов и содействия прочного мира и устойчивого развития в Африке. Доклад Генерального Секретаря. 1998.
2. [www. marx-journal](http://www.marx-journal.org). Мартенс Л. Народ Конго во главе с П.Д. Кабилой в борьбе за независимость и социальнѣ преобразования. - 2005.
3. [www. marx-journal](http://www.marx-journal.org). Фадеева И. Демократия в африканском мире: реальность и перспективѣ // Мировая экономика и международные отношения. № 2, 2003
4. [www. bankreferatov.ru](http://www.bankreferatov.ru). Фадеева И. Уровни демократизации в африканском мире. 2001г.

ИЛОВАЛАР

Илова № 1

АФРИКА ДАВЛАТЛАРИ

№	Давлатлар	Майдони км.кв.	Аҳолиси (1997 й)	Пойтахти
1.	Ангола	1 246 700	10 624 000	Луанда
2.	Бенин	111 600	5 400 000	Порто Ново
3.	Ботсвана	600 370	1 501 000	Габороне
4.	Буркина Фасо	245 857	10 890 000	Уагадугу
5.	Бурунди	27 830	6 053 000	Бужумбура
6.	Габон	267 670	1 190 000	Либервил
7.	Гамбия	11 300	1 248 000	Банжул
8.	Гана	238 540	18 101 000	Аккра
9.	Гвинея	245 857	7 405 000	Конакри
10.	Гвинея Бисау	36 120	1 179 000	Бисау
11.	Жазоир	2 381 700	29 830 000	Жазоир
12.	ЖАР	1 219 912	42 327 000	Претория
13.	Жибути	22 000	434 116	Жибути
14.	Замбия	752 614	9 350 000	Лусака
15.	Зимбабве	390 580	11 423 000	Хараре
16.	Кабо-Верде	4 033	423 000	Прая
17.	Камерун	475 440	14 678 000	Яунде
18.	Кения	569 600	28 300 000	Найроби
19.	Камор ороллари	1 862	589 800	Морони
20.	Конго	342 000	2 583 000	Бразавилл
21.	КДР	2 345 410	47 404 000	Киншаса
22.	Кот’д Ивуар	322 460	14 986 000	Ямасукро
23.	Лесото	30 350	2 008 000	Масеру
24.	Либерия	111 370	2 602 000	Монровия
25.	Ливия	1 759 540	5 648 000	Триполи
26.	Маврикий	2 040	1 154 000	Порт-Луи
27.	Мавритания	1 025 000	2 300 000	Нуакшот

28.	Мадагаскар	587 041	14 062 000	Антанариву
29.	Малави	118 484	9 609 000	Лилонгве
30.	Мали	1 240 000	9 945 000	Бомako
31.	Марокaш	446 550	30 391 000	Работ
32.	МАР	622 980	3 342 000	Банги
33.	Миср Араб Республикаси	1 001 450	64 792 000	қоҳира
34.	Мозамбик	807 751	18 165 000	Мапуту
35.	Намибия	825 418	1 727 000	Виндхук
36.	Нигер	1 266 700	9 389 000	Ниамей
37.	Нигерия	923 770	107 129 000	Абужа
38.	Реюньон (Фр.)	2 512	692 200	Сен-Дени
39.	Руанда	26 400	7 738 000	Кигали
40.	Сан-Томе ва Присипи	964,0	147 900	Сан-Томе
41.	Сан-Елена (Б.Брит.)	400,0	8 000	Жеймстаун
42.	Свазиленд	17 363	10 320 000	Мбабане
43.	Сейшель ороллари	453,0	78 100	Виктория
44.	Сенегал	196 720	9 404 000	Дакар
45.	Сеута ва Мелилья (Исп.)	-	-	-
46.	Сомали	637 660	9 940 000	Могадишо
47.	Судан	2 505 810	32 594 000	Хартум
48.	Сьерра-Леоне	71 740	4 892 000	Фритаун
49.	Танзания	945 100	29 641 000	Дорр-ус-салом
50.	Того	112 620	5 902 000	Ломе
51.	Тунис	163 610	9 183 000	Тунис
52.	Уганда	236 040	20 605 000	Кампала
53.	Чад	1 284 000	7 166 000	Нжамена
54.	Экваториал Гвинея	28 100	442 500	Малабо
55.	Эритрея	121 320	3 590 000	Асмэра
56.	Эфиопия	1 127 127	58 733 000	Аддис-Абеба
57.	/арбий Саҳрои Кабир (БМТ)	11 300	393 843	Ал Айюн

БМИда ишлатилган сиёсий атамалар луғати.

1. **Анархия** – бебошлик, ҳокимиятсизлик.
2. **Апартеид**- ЖАРда шовинист доиралар томонидан туб аҳолига нисбатан ажратиб қўйиш сиёсати.
3. **“Атом дипломатияси”** – йирик ядровий давлатларнинг атом қуролини ишлатиш билан қўрқитишга асосланган дипломатия усули.
4. **БМТнинг Африка учун иқтисодий комиссияси** – 1953 йил 24 апрелда тузилган, африканинг 42 мамлакати қўшилган. қитъа иқтисодий ижтимоий ривожланишини таъминлаш билан шуғулланади.
4. **Декларация**-расмий баёнот, одатда, давлатнинг ички ва ташқи сиёсатининг асосий асосий тамойиллари, сиёсий партия ва ҳаракатларнинг режалари баёнотлари декларация кўринишида чиқади.
5. **Демократия**-халқнинг ягона ҳокимият манбаи эканлигинини, давлат ишларини ҳал қилишда қатнашиш ҳуқуқини, шунингдек, кенг фуқаролик ҳуқуқлари ва эркинликларини эътироф этишга асосланган давлат бошқаруви шакли.
6. **Диктатура**-Давлатда ҳокимият системасини ифодаловчи атама. Кўпроқ бирор табақа ёки шахснинг сиёсий ҳукмронлиги, унинг манфаатларини зўравонлик билан ёқланиши.
7. **Дискриминация** – камситиш сиёсати.
8. **Империя**-монархияга асосланган давлат бўлиб, уни император бошқаради. Яна бир маъноси мустамлака ва қарам мустамлакалар халқлари устидан ўз ҳукмронлигини куч йўли билан ўрнатган ва шу усул билан бошқараётган мамлакат.

- 9. Консерватор** – эски ёки мўътадил тартибни сақлаш тарафдори.
- 10. Конституцион монархия**-Давлат бошқаруви шакли. Унга кўра давлатни бошқаришда монарх билан бирга ваколатли орган (парламент)лар бошқаради.
- 11. Коррупция** – давлат сиёсатининг жинояткорона фаолият ва гуруҳ билан уйғунлашуви.
- 12. Либерализм** – жамиятни эркинлаштириш таълимоти.
- 13. Метрополия** – мустамлакачи давлатнинг мақоми.
- 14. Монархия**-монарх-яккаҳоким бошлиқ бўлган давлат ёки давлат тузуми. Унинг шаклларига абсолют, конституцион ва теократик монархияларни киритиш мумкин.
- 15. Монополия**-давлат, ташкилот, фирма ёки б.нинг муайян соҳадаги ягона (монопол) ҳуқуқи. М.: ташқи савдо ёки энергетика монополияси.
- 16. Мустамлака**-(колония) хорижий давлат (метрополия) ҳукмронлигида бўлган,сиёсий ва иқтисодий мустақилликдан маҳрум этилган ва махсус режим асосида идора этиладиган мамлакат ёки ҳудуд.
- 17. Неоколониализм** – мустамлакачилик тузумини сақлаб қолишнинг янгича кўринишидаги ҳаракатлар.
- 18. Оппозиция**-қарши ҳаракат қилиш, қаршилиқ кўрсатиш. Партия ичида ёки давлат бошқарувини юритаётган ҳукуматга қарши чиқиш, унинг сиёсатини ўтқир танқид остига олиш.
- 19. Парламент**-ривожланган ва ривожланиб бораётган давлатлардаги турли номлардаги сайлаб қўйиладиган (баъзида қисман тайинланадиган) қонун чиқарувчи ваколатли орган.
- 20.Пессимизм**-тушкунлик кайфияти.
- 21. Режим**- давлат тузуми, идора қилиш тартиби ва усули.
- 22. Репрессия**-таъқиб, жазо чораларини қўллаш, жазолаш.

- 23. Республика-идора** қилиш усули бўлиб, унда давлат ҳокимиятининг юқори органлари конституция томонидан белгиланган муайян муддатга ва тартибда сайланадиган вакиллардан иборат бўлади.
- 24. Сепаратизм** – айирмакашлик ёки ажралиб чиқишга бўлган интилиш.
- 25. Субсидия**–(лот. -ёрдам) моддий, пул билан кўмаклашиш, нафақа.
- 26. Трайбализм**- қабилавий низолар ва этник мансубликка асосланган сиёсат.
- 27. Шовинизм** – миллатчиликка асосланган дунёқараш ва сиёсат.
- 28. Фуқаролар уруши**-давлат ичидаги табақалар ўртасидаги қуролли кураш.
- 29. Цензура**–(лот. баҳо) матбуот, нашриёт ва бошқа ахборот воситалари устидан назорат, одатда давлат назорати.
- 30.Экспансия**-йирик давлатларнинг ўз таъсир доирасини бошқа мамлакатларга ёйишга қаратилган дипломатик, сиёсий, иқтисодий, ғоявий усуллар билан амалга ошириладиган сиёсати.
- 31. Эмбарго**-товарларни, валютани мамлакатдан олиб чиқиб кетиш ёки олиб кириб келишни давлат томонидан таъқиқлаб қўйиш, бошқа давлатга тегишли кемаларни, юкларни ва бошқа мулкларни ушлаб туриш.

Илова № 3.

Ўзбекистон ва Африка мамлакатлари муносабатлари хронологияси.

1. 1991 йилнинг 25 декабрида Ўзбекистон мустақиллигини Намибия тан олди.
2. 1992 йил 2 январидан Ўзбекистон мустақиллигини Эфиопия тан олди.

3. 1992 йил 6 январида Ўзбекистон мустақиллигини Бурунди республикаси тан олди.
4. 1992 йил 14 январида Бенин Ўзбекистон мустақиллигини эътироф этди.
5. 1992 йил 16 январида Кобо-Верде Ўзбекистон мустақиллигини тан олди.
6. 1992 йил 17 январида Ўзбекистон мустақиллигини Экваториал Гвинея тан олди.
7. 1992 йил 23 январда Миср Араб Республикаси билан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги дипломатик муносабатлар йўлга қўйилди.
8. 1992 йил 24 январида Мали Ўзбекистон мустақиллигини эътироф этди.
9. 1992 йил 27 январида Ўзбекистон мустақиллигини Зимбабве эътироф этди.
10. 1992 йил 11 мартада Нигерия Ўзбекистонни эътироф этди.
11. 1992 йил 4 апрелда Ўзбекистон мустақиллигини Мадагаскар тан олди.
12. 1992 йил 30 июнда Ўзбекистон Республикаси ва Жазоир ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилди.
13. 1993 йили 24 июнда Гвинея билан дипломатик алоқалар ўрнатилди
14. 1993 йил 11 октябрда Марокаш билан дипломатик алоқалар ўрнатилди.
15. 1993 йил 28 октябрда Гана билан дипломатик алоқалар ўрнатилди.
16. 1993 йил 10 ноябрида Ўзбекистон мустақиллигини Того давлати тан олди ва дипломатик алоқалар ўрнатди.
17. 1994 йил 1 февралда Замбия билан дипломатик алоқалар ўрнатилди.

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3-6
Африка мамлакатларига характеристика.....	7-11
Африканинг сиёсий тарихидан.....	12-26
Африка: ижтимоий-иқтисодий муаммолар.....	27-43
Африка сиёсий харитасида янги мамлакатлар.....	44-50
Ўзбекистон ва Африка.....	51-55
ХУЛОСА.....	56-58
Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати.....	59-62
Иловалар.....	63-81